Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 10 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 50 (6747)

*Даъват*

Инсондан ёдгорлик фақат фарзанд эмас, балки яхши хулқ ва дуруст сийрат ҳамдир.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

*Ибрат*

Шаҳрисабз шаҳридаги 15-урта мактабда янги ўқув йилидан бошлаб қобилиятли болалардан ташкил топган 8 та гимназия типидаги бошланғич синфларда ўғил-қизлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитила бошланади. Энг аълочи ўқувчилар эса 3-синфдан 5-синфга «сакрашади».

*Муносабат*

## ФАҚАТ РАВНАҚ КЕЛТИРАДИ

**Президентимиз И. Каримовнинг Америкага қилган расмий сафари бу сеҳрли диёр билан Ўзбекистоннинг яқинлашувига замин яратади, деб ўйлайман. Бу мамлакатдан биз кўп нарсани ўрганишимиз керак. Уларда иқтисод фани, қишлоқ хўжалигию саноат ҳам, фан-маданият ҳам ривожланган. Бинобарин, Америка Қўшма Штатларига юртбошимизнинг ташрифи ҳам ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишга қаратилди.**

**Америка билан илм-фан доирасидаги ҳамкорликка биз анча йиллар муқаддам киришган эдик. Аниқроғи, 1991 йилдан бери университетимиз иқтисодиёт илмининг турли соҳалари бўйича бу давлат билан амалий ҳамкорликлар қила бошлади. Университетимизда иқтисодиёт соҳаси учун билимдон, етти ўлчаб, бир кесадиган мутахассислар тайёрланади.**

**Ўтган йиллар мобайнида 96 нафар талаба АҚШнинг 10 дан ортиқ университетларида таҳсил олиб қайтдилар. Улардан 23 нафари бизнес бошқаруви мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлишди.**

**Илмий-амалий алоқалар нафақат талабалар ўқуви, балки ўқитувчилар жамоасининг борди-келдилари билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Яъни ўтган йиллар мобайнида университетимизнинг 100 дан ортиқ фан доктори ва профессорлари АҚШнинг турли штатларидаги олий ўқув юртларида ўз маърузаларини ҳавола этиб қайтишди. Ўз навбатида АҚШлик 50 дан ортиқ олимлар ҳам университетимизга ташриф буюришди. Биз улардан гоятда мамнун бўлдик.**

**Қисқаси, Америка — кашф этилган диёр. Бу давлат билан илмий алоқаларимиз Ўзбекистон фани учун фақат равнақ келтиради.**

**Н. ҲАКИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

*Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги натижалари*

## ИНГЛИЗ ТИЛИГА «ШЎНҒИШ» БОШЛАНДИ

Ажиб замонда яшаяпмиз. Ажибликда эса ёқимлилик бор. Бу ёқимлилик Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги обрўси кундан кунга ошиб бораётганида, Ўзбекистон Президентининг хорижий ўлкаларга қилаётган сафари, ўзга давлат раҳбарларининг ўз юртимизга келганида сезиляпти. Халқаро муносабатларнинг тобора кенгайиб бориши ҳам мустақилликнинг шарофати эмасми?

Яқинда Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи, унинг Билл Клинтон билан ва бошқа АҚШ ҳукумати раҳбарлари, ишбилармонлари билан учрашуви, муҳокама қилинган масалаларнинг барчаси Ўзбекистон тарихида ўзига хос из қолдиради. Чунки давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар амалга оширилаётган ишларда қуринаверади.

(Давоми 2-бетда)

## ПРЕЗИДЕНТ АНЖУМАНДАН ЖЎНАБ КЕТГАЧ ҲАМ ҲЕЧ КИМ ТАРҚАЛМАДИ

Менинг Хьюстон шаҳрида бўлишим тасодиф эмас. Бу билан АҚШга учинчи марта боришим эди. Уч йил мобайнида биз (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) Американинг Гадиан Интернейшнл, Меса Петролеум, Бехтел Корпорейшн каби дунёга машҳур фирмалари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ҳали-ҳануз ишлатилмайдиган, суюлтирилган газдан кўп даражада устун, экологик жиҳатдан тоза ёқилғи — суюлтирилган метан ишлаб чиқариш технологиясини ўргандик.

Американинг савдо ва тараққиёт Агентлиги ёрдамида биз Ўзбекистонда суюлтирилган метандан фойдаланишнинг 1996-2010 йилларга мўлжалланган комплекс дастурини ишлаб чиқдик ва мен америкалик ҳамкорлар билан келишиш мақсадида у ерга боришга азм этдим. Президентимизнинг АҚШга ташрифи тўғрисида Остин шаҳрида, Гадиан Интернейшнл фирмаси билан ишлаётган пайтимда эшитиб қолдим. Савдо ва тараққиёт Агентлиги орқали Хьюстониан меҳмонхонаси мажлислар залида ўтадиган, Техас штатининг кўзга кўринган тижоратчилари иштирок этиши кўзда тутилган «Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг инвестицион имкониятлари» мавзуидаги анжуманга президентни ҳам таклиф қилишни сўрадим.

Мана, Хьюстон учрашуви. Президентимизни ўтирганларга АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Эскудеро ҳамда Америка савдо ва тараққиёт ассоциацияси Президенти Грандмессон таништирди. Сўнг эса давомли қарсаклар билан бўлиниб турган нутқ ирод этилди.

Ислом Каримов жўнаб кетганидан кейин ҳам ҳеч ким тарқалмади. Барча Президент ҳақиқий йўлбошчи эканини, яқин ўн йил ичида Ўзбекистонда кенг маънодаги бизнесга нафақат ҳуқуқий ва иқтисодий, балки сиёсий кўмак беражагини ҳам ҳис қилди. Иштирокчилар бизни — Ўзбекистон вакилларини ўраб олиб, саволларга кўмиб ташлашди. Инвестицион сиёсат, ресурслар, технология, ҳаёт даражаси, таълим тизими тўғрисидаги саволлардан тортиб. Президентнинг инсоний хислатларига оид сўровларгача жавоб бердик. Бир нарса ойдинлашди — Каримов янги даврнинг сиёсий йўлбошчиси. 3-4 соатдан сўнгтина Ўзбекистонда учрашиш ҳақида келишиб,тарқалдик.

Бир пайтлар Европа Америкага талпингани каби, ҳозир Американинг турли даражадаги бизнесменлари Ўзбекистонга ўз нигоҳларини ташлашмоқда.

Президент ўз вазифасини бажарди. У Ўзбекистонда бизнес учун шароит мавжудлигини исбот этиб берди. Энди бизнинг вазифамиз яқин кунларда бўладиган таклифларни ўрганиш ва улардан иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан зарур, Ўзбекистонни дунё миқёсидаги даражага чиқара олгувчиларинигина танлаб олишимиз муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида тараққиёт даражаси, аҳолисининг меҳнатсеварлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу республиканинг оёққа туришида муҳим омил ҳисобланади.

Ислом Каримовнинг АҚШга ушбу ташрифи, ишонч билан айтаманки, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигидан яна бир даракдир. Умид қиламан, дўстларимиз билан шундай учрашувлар яна давом этади. Гарчи нечоғли улкан бўлмасин, ўртадаги уммон ҳам бизни ажратолмайди.

**Э. В. ПЬЯДИЧЕВ,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Даймлер-бенц» концерни бошқаруви аъзоси доктор Клаус Мангольд раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан кино муассасаларида, ўқув юртларида, жумладан, темурийлар тарихи давлат музейида намойиш қилишга мўлжалланган махсус илмий — оммабоп, ҳужжатли фильмлар яратиш бўйича кўрик-танлов эълон қилинди. У 1996 йил 25 августда якунланади.**

**Тошкентда республика Халқаро алоқалар миллий ассоциациясининг Ўзбекистон-Корея Республикаси дўстлик жамияти тузишга бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда пойтахт меҳнат жамоалари вакиллари, тадбиркорлар, фан, адабиёт ва санъат намояндалари, Жанубий Корея дипломатлари, ишбилармонлари қатнашдилар.**

**Иккинчи муддатга сайланган Россия Президенти Б. Ельцин мамлакатнинг ҳозирги Бош вазири Виктор Черномирдинга янги ҳукумат таркибини тузишни топширди.**

**АҚШ Олий судининг Виржиния ҳарбий коллежига фақат йигитлар қабул қилинишини Конституцияга зид ҳолат, дея чиқарган қароридан сўнг коллеж раҳбари 152 йилдан буён давом этиб келаётган анъанани бузиб, шу йилнинг августидан қизларни ҳам қабул қилишга тайёрлигини маълум қилди.**

*Янги ўқув йилига тайёрмисиз?*

## САРИШТАЛИ ОСТОНА

Аҳли дониш дейдики: «Ватан остона (!) дан бошланади». Ушбу ҳикматни ақл қозонига солиб, бир-икки қовурсангиз, унинг таъми сизни шундай хулосага олиб келади: кўп нарса остонадан бошланар экан, жумладан таълим ҳам, тарбия ҳам. Бинобарин, ўқув юртлари ушмундоқ остоналардан саналади. Руҳшунослар мазкур хулосани обдон галвирдан ўтказиб, уйинг ёнига ўзларининг хулосаларини ҳам қўшиб қўйишди: остона сариштa бўлса, таълим ҳам, тарбия ҳам яхши бўлади.

Айни кунларда билим даргоҳларида ишлар қизғин. Шундай ишлардан бири остона (яъни бино ва ҳовлилар)ни таъмирлаб, янги ўқув йилига тайёрлаш. Хўш, ушбу жараён жойларда қандай кечмоқда?

— Авваллари янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги штаб йиғилиши вазирлик залида ўтарди, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ. — Энди эса бевосита жойларда бўлиб, уларга тегишли ёрдам ва йўл-йўриқларни кўрсатиб қайтишни йўлга қўйдик.

Куни кеча Муртазо Султонов бошлиқ штаб аъзолари — умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пўлатов, капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Раҳимжон Акромов, педагогик таълим ва фан бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қудрат Мўминҳўжаев, ҳунар таълим бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сафарбой Бобожонов, таълим-таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари Анвар Алимуҳаммедовлар юқоридаги хулосадан келиб чиқиб жойларга «юриш» қилишди.

Илк манзил 2-Тошкент педагогика билим юрти бўлди. Билим юрти директори Озода Эшонхўжаева бизни ишчан кайфиятда кутиб олди. Таъмир ишларига бутун аҳли жамоа жалб қилинган экан. «Анча юмушларни бажариб қўйдик», - деди опа.

Ҳақиқатан ҳам билим маскани ҳовлиси, ўқув хонлари, ётоқхонлар баҳоли-қудрат тартибга келтириб қўйилибди. Баъзи камчиликлар ҳақида штаб аъзолари тегишли йўриқ беришди.

Одатда, санъатга даҳлдор масканда нафосатнинг иси келиб туради. Юнус Ражабий номидаги мусиқа билим юрти остонасини ўша ҳидни тўймоқ ниятида ҳатлаган эдик. Бироқ, ниятимиз армонда қолди. Чунки, билим юрти спорт майдончаси қаровсиз ётибди, чиқинди-ташламаси қувурлари созланмаган. Бошқа таъмир ишларида ҳам жадаллик йўқ. Билим юрти директори Райимжон Абдуназаров огоҳлантирилиб, камчиликларни тезда бартараф этиш, таъмир ишлари суръатини ошириш лозимлиги уқтирилди.

1-Тошкент педагогика билим юртидаги мавсумга тайёргарлик штаб аъзоларининг барчасида илиқ таассурот уйғотди. Ўқув юрти раҳбари Мунаввар Исмоиловнинг ўз ишига фидойилиги билим юрти ҳовлисида, ўқув ва амалиёт хоналари, ётоқхоналарида акс этиб турибди.

Алқисса, кузатувлардан штаб аъзолари, айниқса, ўқув даргоҳлари садирнишинлари ўз хулосаларини чиқаришди. Бизнинг хулосамиз эса бу турур: сариштали остона фариштали бўлади.

**Абдулатиф БЕКМУРОДОВ.**

*Долзарб мавзу*

## КЕЧКИ МАКТАБ ЗАРУРМИ?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбати айнан шу мавзуга бағишланди. Уни ўрта умумий таълим Бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова бошқариб борди.

Давра суҳбатида иштирок этган мутахассислар, катталар таълим маркази директорлари, вилоят халқ таълими бошқармалари ходимларининг таъкидлашича, кечки мактаб муаммоси ҳамон долзарблигича қолаётир. Чуқур таҳлилий асосларсиз, яъни айрим кечки мактаблар моддий базаси борми ёки йўқлигидан қатъий назар катталар таълим марказига айлантирилди.

Ҳозир катталар таълим марказлари орасида ўз мавқеини, обрўсини ошириб бораётганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 45-катталар таълим марказини битирган 1700 ўқувчи ҳар хил касб эгалари бўлишди. Ваҳоланки, КТМнинг ташкил этилганлигига эндигина 9 йил бўлди. У ерда «Рақобатсиз яхши кадр тайёрлаб бўл-

(Давоми 2-бетда)

### УКРАИНАДА НИМА ГАП?

Ҳукуматнинг хусусий университетлар устидан давлат назоратини кенгайтириш ҳақидаги янги қонуни илм-фан аҳлининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

### UZINFO МАРКАЗИ — МАОРИФ ОЛАМИДА

### ЧЕТ ЭЛГА, ОЛҒА!

Нью-Йорк университети талабаларнинг ўзга маданиятлар ва мамлакатларга бўлган қизиқишларини, тасаввурларини ошириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқмоқда.

### ОЛИЙ КЕЛИШУВ

Австралия олий таълим етакчи йўлбошчиларининг уюшмаси бош вазир Ж. Ҳовард билан университетлар учун давлат ёрдамларини камайтирмаслик ҳақида келишиб олдилар.

### ДАРВИННИНГ ЁРДАМИ

АҚШ да бир гуруҳ олимлар Ч. Дарвиннинг эволюцион таълимотидан фойдаланиб, савдо — иқтисодий фаолият кишилари одатининг биологик инстинктлардан келиб чиқишини тушунтириб беришмоқчи.

### ЖИНОЯТГА ҚАРШИ

АҚШ парламентининг вакиллар палатаси коллеж раҳбарларидан коллежда содир бўлаётган жиноятлар ҳақида олий таълим вазирлигига ахборот бериб туришларини сўрамоқда.

*Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

**Исломжон ТУРСУНОВ,**
**Ҳайдарали УЗОҚОВ**

## МИРМУЛЛА ШЕРМУҲАММАД КИМ ЭДИ?

XIX асрнинг 80-йилларидан ўзбек маданияти тарихида кўплаб диди нозик ва фикрий қобилияти юксак зиёлилар етишиб чиқди. Булар сирасида Исҳоқхон Ибрат, Ҳусанхон Ислом, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мўйин Хўжа, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Назир Турақул, Убайдулла Хўжа, Мирмулла Шермуҳаммад сингари кўплаб улуғлар туради.

Бу алломаларнинг теран фикрли, илғор қарашли бўлиб етишишларида даврнинг қалтис томонлари—оқ империянинг истибдодлари, адолатсизликлари ва босқинчилик сиёсатининг хунрезликлари сабаб бўлиб, бундай истибдодга қарши миллий уйғониш, адолатли юриш майдонга чиққан бўлса не ажаб?

Туркистонликларга Николай подшо зулми еппасига «вабо» тарқатаётган онларда, 1886 йилда Тошкентда таваллуд топган атоқли ёзувчи ва шоир, журналист ҳамда театр танқидчиси, машҳур педагог Мирмулла Шермуҳаммад ўғли бутун онгли ҳаётини ўзбек миллий маданияти, маорифи, матбуот ва театр санъати ривожига бағишлаган эди.

Мирмулла акадан атиги тўрт ёш кичик бўлган, Ҳива ва Фарғона, Жиззах ва Тошкентда бўлиб ўтган кўплаб қўзғолонларни ўз кўзи билан кўрган, Фитрат, Назир Турақул, Султон Сегизбой, Беҳбудий каби улуғлар билан ишлаган ва мулоқотда бўлган, 106 ёшлик табаррук инсон Карим ота Абдуҳаким ўғлининг гувоҳликларига кўра «йирик ёзувчи, арузда шеър битган Мирмулла ака ниҳоятда қаттиқ оилада туғилган» экан.

Ҳали адабиётимиз майдонида номаълум бўлган, номларигина йўлма-йўлакай зикр этилиб келган кўплаб сиймолар орасида ўзининг нурфузли ўрнига эга бўлган Мирмулла Шермуҳаммад ўғлининг таржимаи ҳоли, шахсияти, ёзган асарлари хусусида тадқиқотлар, суҳбатлар олиб борамиз, 106 ёшга кириб, ҳозирда қарилик гаштини суриб, Чимкентнинг Сайрамида истиқомат қилаётган Карим отани топамиз ва у кишидан қўплаб тарихий воқеаларни, улуғлар шахсиятларига берилган чизгиларни ёзиб оламиз.

«Мен,—дейди Карим ота Мирмулла ака ҳақида,—бу улуғ инсон билан 1914 йилда «Садои Туркистон» газетаси идорасида танишганман. Мен бу кишининг уйларига, у киши бизникига тез-тез боришиб турар эдик. Аниқ эсимда, билим ва илм жиҳатдан ўта зукко отаси—Шермат ака жуда қашшоқ яшар эканлар. Ҳар ҳолда бир кеча ётиб қолганимда шоирнинг отаси ҳужрага-меҳмонхонага кеча синдирилган қаттиқ зоғора нонинг уч бурдасини ва бир қумғонда чойни олиб чиқаритгани бунга мисолдир. Аммо иссиқ овқат пиширилмади ҳам...

Уларнинг оиласида уч ўғил, бир қиз бўларди. Энг каттаси Мирмулла, сўнг Мирмуслим, кейингиси Мирмуҳсин, кенжаси қиз эди, кейинчалик уни шоир Машриққа—Элбекка беришган. Янглишмасам, орадан кўп ўтмай Мирмулланинг отаси ўлиб кетди. Орадан иккиуч йил ўтгач, она ҳам бандаликни бажо келтирди.

Мирмулла мадраса таълимини олган, ўз отаси қўлида «Қуръони карим»ни тўла туширган инсон эди. У намоз ўқирди. Чиройли оҳангда тиловат қиларди. Ўқалари уни жуда ҳурмат қилишар, чизган чизиғидан чиқмас эдилар. Унинг қўплаб ҳикоялари ва шеърларини «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Садои Туркистон»да ўқиганман. Айниқса, 1919 йил бўлса керак, унинг Дукчи эшон қўзғолонига бағишлаб ёзган бир қалин қўлёзма рўмонини ўз қўлидан олиб бир-икки

(Давоми 3-бетда).

*ХАБАРЛАРИ — ММММ*

### ЎҚИТУВЧИЛАР ЎҚИШМОҚДА

*Маълумки, 1996-97 ўқув йилидан бошлаб биринчи синфга келдиган жажжи болакайлар бутунлай лотин алифбоси асосидаги дарсликлардан илм олишади. Янги алифбода илм олувчилар учун ҳозирда дарсликлар, кўргазмалар тайёрланмоқда. Энг асосийси, уларга таълим берувчи ўқитувчилар бу алифбони ўрганиб, тайёргарлик кўрмоқдалар. Тўрткўл тумани халқ таълими қошида ташкил этилган курсда ҳам ҳар ойда 80 нафар ўқитувчи лотин ёзуви асосидаги алифбо курсини ўташмоқда. Хабарларга қараганда, тўрткўллик ўқитувчилар бу борада ўз иқтидорларини намоён қилиб, янги алифбони жуда тез ўзлаштириб олмоқдалар.*

### СУРУВИ БОР МАКТАБ

*Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номидаги мактаб жамоаси ишбилармонликни қўллаб-қувватлаб, зиё масканида чорвачиликка ихтисослашган кичкина ёрдамчи хўжалик барпо этишди. Ҳозирда мактабда 40 дан ортиқ қўй ва эчкиларни ташаббускор мураббийлар Очилбой Олимов, Ҳасан Тўхтаев, Қора Мирзаев, Неъмат Пиримовлар ўқувчилар билан бирга парваришлаяптилар. Ўқувчилар Комил Олимов, Жасур Қурбонов, Анвар Ғаниев, Олимжон Усмонов ҳамда Шаҳобиддин Ғаниевлар бу ишларда фаол қатнашишмоқда. «Келгусида ишбилармонликни янада ривожлантириб, илм даргоҳимизда паррандачиликни, қуён кўпайтиришни, кулолчиликни ҳамда қандолатчиликни йўлга қўймоқчимиз, — дейди мактаб директори Хонали Файзиев, — ҳозирги ишларимиз улкан режаларимиздан намуна ҳисобланади, холос».*

### «СУМБУЛ СОЧЛИ ҚИЗЛАР» БЕЛЛАШДИ

*Денов шаҳар маданият уйи, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Сумбул сочли қизлар» кўрик-танловини ўтказди. Кўрик-танловда шаҳардаги ҳунар-техника билим юрти толибалари ва ўқувчи қизлардан иборат 4 та гуруҳ қатнашди. Ҳар бир гуруҳда 5 нафардан гўзал, билимга чанқоқ, сочлари сумбул-сумбул қизлар қатнашиб, ҳадислардан айтишувлар, эркин мавзу, муаммо шартлари орқали ўзларининг табиий гўзаллигини, ўткир зеҳнли билимини, қизлик нафосатини намойиш этдилар. Кўрик-танловда Денов шаҳар ҳунар-техника билим юртининг «Мажнунтол», ҳамда Охунбобоев номидаги 2-ўрта мактабнинг «Нафосат» гуруҳлари ғолибликни қўлга киритди. Тадбирда шоира Турсуной Содиқова иштирок этди. Ғолибларга шаҳар хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган эсдалик совғаларини шаҳар ҳокими Абдуолим Бўриев топширди.*

*ХАБАРЛАРИ — ММММ*

### ДАРС БОҒДА ЎТАДИ

*Навбаҳор туманидаги 11-мактабда «Ботаника боғи» ташкил этилди. Боғнинг умумий майдони 2 гектар бўлиб, унда ўсимликларнинг 45 га яқин тури, дарахтларнинг 70 га яқин тури парвариш қилинмоқда. Боғнинг барпо этилишида биология ўқитувчиси Қ. Шукуров ва «Уч тут» жамоа хўжалиги раиси С. Маматовларнинг ҳиссаси катта бўлди. Дарвоқе, мактаб аҳли янги ўқув йилидан бошлаб биология ва ботаника дарсларини, эндиликда «Ёш боғбонлар» тўгараги аъзолари томонидан парвариш қилинаётган мазкур боғда олиб боришни режалаштираяптилар.*

**МУАЛЛИФЛАР: Т. РЎЗИБОЕВ, Ф. ЭШҚУЛОВ, М. КАРИМОВА, М. ЮСУПОВА.**

# ИНГЛИЗ ТИЛИГА «ШЎНҒИШ» БОШЛАНДИ

(Боши 1-бетда).

Худди шундай ишлар халқ таълими тизимида ҳам ўзига хос равишда кўзга ташланяпти. Хусусан, газетанинг ўтган сонида таъкидлаганимиздек («Инглиз тилига «шўнгиймиз» мақоласи) Тинчлик корпуси билан маориф соҳасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

5 июлда Амир Темурнинг 660 йиллиги ҳамда Узбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб Тинчлик корпуси раҳбарлигида инглиз ёзги оромгоҳи ташкил этилди. Мазкур 10 кунлик муддатда ўқувчи ва ўқитувчилар фақат инглиз тилида сўзлашадилар. Бундай ўн кунлик икки марта такрорланади. Ўқувчилар «Узбек жамияти ва унинг келажаги», «Ўзбекистон тарихи ва маданияти», спорт, инглизча қўшиқлар, «Ижодий хат» (оромгоҳ газетаси) каби қатор тадбир ва муҳокамаларда иштирок этадилар.

Мазкур оромгоҳга Узбекистоннинг турли жойларидан ўзига хос имтиҳонлар орқали 300 дан ошиқ ўқувчи саралаб олинди. Бундан ташқари 100 нафардан ортиқ ўқитувчилар ва инглиз факультетларининг талабалари бу тадбирларда қатнашадилар. Натижада ўқитувчи ва талабалар ўзларининг инглиз тилида сўзлашув маҳоратларини оширадилар.

Мазкур оромгоҳнинг очилишида АҚШнинг Узбекистондаги элчиси жаноб Стэнли Эскудеро қатнашди.

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мазкур очилиш маросимида қатнашиб, бу оромгоҳ очилиши учун жон. койиттанларга раҳмат айтиб, болаларнинг бу дам олиши серзавқ ва мазмунли ўтишини тилади.



*Диққат, янгилик!*

## БОҒЧАДА КИЧИК КОРХОНА

*Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Навбаҳор» болалар боғчаси қошида «Гулшан» кичик корхонасининг очилиши ислоҳотларнинг ҳаётга жорий этилиш шарофатидир.*

*Кичик корхонанинг очилишига бағишлаб ўтказилган кўргазмали йиғин қатнашчиларда чуқур таассурот қолдирди. Бу ерда мактаб ва болалар боғчалари учун зарур бўлган юмшоқ жиҳозлар, турли кийим-кечаклар, ўқувчилар кийимини тикиш йўлга қўйилган. Кичик корхонада яқин кунлар ичида палос тўқиш цехи ва хотин-қизлар учун «Гўзаллик» салони ишга туширилади.*

**Р.ЭРГАШЕВ,**
**Бахмал туман халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассиси.**

*Мактабим — фахрим*

## АЁЛ РАҲБАР БЎЛГАНДА...

Аёлларни ҳаётнинг устуни дейишади. Ҳа, аёл гўзаллик, меҳру вафо ва садоқат тимсолидир. У бизнинг замонада фидойи ишбилармон, моҳир ташкилотчи раҳбар ҳам. Самарқанддаги Абдулла Рудакий номли 5-ўрта мактаб директори Муҳаррам Раҳмонова ҳам ана шундай аёллардан.

Муҳаррам опа ишни 1966 йил бош пионервожатийликдан бошлади. Ва ўша йилдан 1976 йилгача директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади. Кейин уни 1976 йил 1 сентябрдан бошлаб мактабга директор қилиб тайинлашди. Мана, у 20 йилдан буён узлуксиз шу мактаб жамоасига бошқош бўлиб келмоқда. Иш давомида ўз устозлари марҳум А. Ражабова, М. Нарзиқулова, М. Бозоров, шунингдек, А. Шоҳидий, А. Ҳакимов, Г. Ходизода, М. Салимзода ва бошқа ўқитувчиларнинг иш тажрибаларига таяниб ишлади. Бу орада мактаб вилоятнинг энг илғор билим масканлари сафига кўтарилди. Айниқса, Муҳаррам опа ишларининг эътиборга молик томонларидан бири унинг биринчи навбатда мактабда боғ-роғ яратиш ва қурилиш ишларига катта эътибор берганидир.

Бир вақтлар Муҳаррам Раҳмонова директор қилиб тайинланганида у мактабни уддалай олмайди, деганлар ҳам бўлганди. Лекин натижа бошқача бўлди. Тез орада ёш аёл меҳнат интизомини қаттиқ талаб қилганлигига чидаёлмаган баъзи ўқитувчилар мактабдан ҳам кетиб қолганди. Муҳаррам опа ҳамон ўша қатъий интизом, ижодий иш асосида иш юритмоқда. Жамоадаги 165 ўқитувчининг 8 нафари халқ таълими аълочиси, 17 та олий, 26 та биринчи, 41 та иккинчи тоифали ўқитувчи.

Директор ўз ишини жамоа аъзолари ва устозлари маслаҳати асосида ташкил этиб, ёш ўқитувчиларга ўқув-тарбия иши, дарс таълими, методик ёрдамни кучайтириш, имкони борича уларга мураббийлик қилиш, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат ишларига камарбасталик қилаяпти.

Мактаб барча фанлар бўйича мутахассис ўқитувчилар билан таъминланган. Шу туфайли методик бирлашмалар ишлари жонли олиб борилади. Методик кенгаш қошида бошланғич синфлар, химия-биология, физика-математика, рус тили ва адабиёти каби илғор тажриба мактаблари ташкил қилинган. Улар ҳар ойда бир маротаба режа асосида кўргазмали очиқ дарслар ўтказадилар. Шунингдек, ёш ўқитувчиларга мураббийлик ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жамоа ўртасида «Энг яхши синф раҳбари», «Иқтидорли ўқитувчи» мусобақалари йўлга қўйилган.

Янги ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфлар ўқувчиларига экологик, 10-11-синф ўқувчиларига иқтисод, 5 — 8-синфларга «Одобнома» машғулотлари ўтилмоқда. Давр талаби асосида табақалаштирилган синфлар ташкил қилинди. Бошланғич синфларда математика фани чуқур ўргатиладиган 5 та, электрон ҳисоблаш машинаси асосидаги битта, инглиз тилига мослаштирилган учта биринчи синф ташкил қилинди. Бу фан ўқитувчиларидан 4 нафари муаллимларнинг вилоят педагогик ўқишларига қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мактабга ташриф буюрган ҳар бир киши бу ерда турли тадбирлар ўтказилаётганининг гувоҳи бўлади. Масалан, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун барча синфларда фотоальбомлар, фотостендлар ташкил қилинмоқда. Ижодий фаолиятлари ҳаққоний ўрганилмоқда. Барча тадбирлар байрамлардагидек файзли ва қизиқарли ўтказилаяпти. Мактабда ҳавас қилса арзигулик ишлар кўп. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси сергайрат, ташаббускор мактаб директорининг, ижодий изланаётган ўқитувчилар жамоасининг меҳнатлари самарасидан далолатдир.

**Э. МАҲМУДОВ,**
**«Маърифат»нинг ўз мухбири.**

*Муаммо, мулоҳаза, таклиф*

## 1-СИНФГА ТАЙЁРЛАШ МЕЗОНИ БОРМИ?

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бугунги кунда таълим-тарбиянинг турли босқичларига мулжаллаб тайёрланган тамойилга мос давлат мезонлари (стандартлари) белгиланмоқда. Дастур ва режалар замон талабига мослашаётир.

Хўш, 1-синфга ўқишга келадиган ўғил-қизларнинг аҳволи қандай? Унга қўйилган талаблар қай даражада? Мактабга илк бор қадам қўядиган ўқувчи эҳтиёжи инобатга олиндими? Гап ана шу хусусда.

Маълумки, шу вақтгача мактаблардаги ойлик тайёрлов гуруҳларида ўқитувчи ҳар хил тасаввурдаги болалар билан машғулот ўтказар эди. Тайёрлов гуруҳида болалар ўқишнинг умумий қоидалари ва оддий тушунчалар билан танишадилар. Баъзан буни нулинчи ёки яриминчи синф деб ҳам айтилади. Уни битирганлар 1-синфга қабул қилинади. Бу вақтда боғча таълимини олган, нулинчи синфни битирган ва оиладан келган болалар аралашиб кетади. Уларнинг иқтидорли ёки иқтидорсиз эканлиги ҳам, ўқишга тайёр ёки тайёр эмаслигининг ҳам аҳамияти қолмайди.

Бугунги кунда айрим боғчаларнинг битирувчи гуруҳларида унга яқин мактабнинг бўлғуси 1-синф ўқитувчилари зарур тайёргарлик ишларини олиб борадилар. Бу вақтда асосий йўналиш боланинг мактабга ҳамма ҳарфларни таниган ҳолда келишига қаратилади ва савод ўргатиш даври мактабгача битирилган ҳисобланиб, ўқув йили «Алифбесиз ўқиш» билан бошланади. Бу иқтидорли синф (ёки гимназия синфи) деб аталиб, бошланғич синфларда (4 йил ўрнига) 3 йил ўқитилмоқда.

Тайёргарликнинг ҳар иккала ҳолатида ҳам муаммо ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Яъни, болаларнинг мактабга тайёрлиги бир хил эмас, ўқитувчи ўзи билганича уларни, тахминан, тенглаштириб олади. Бир мактаб шароитида бошланғич синфда у бола 3 йил ва бу бола 4 йил ўқийди. Бир синфда «Алифбе байрами» декабрь ойида ўтса, бошқа синфда март ойида ўтказилади.

Математика дарслари ҳам баъзи синфларда 6 ёшдан ўқитиладиган 4 йиллик бошланғич мактаб дарслигидан ўқитилса, баъзи синфлар русчадан таржима қилинган 3 йиллик бошланғич мактаб дарслигидан фойдаланаётирлар.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: 1-синфга ўқишга келадиган боланинг тайёрлигига, яъни билими ва тарбиясига булган талабларнинг меъёри қандай улчанади? Уларнинг бажарилиши учун ким масъул? Амалда бу масала қандай ечилмоқда?

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда мактаб жамоасига синфдаги ўқувчилар сонини камайтириш, ҳафталик ўқув соатлари миқдорини белгилаш, ўқув режасини танлаш ёки ўқув фанларининг мактаб компоненти буйича узига мақбулини ўқитиш, иқтидорли болаларни танлаб олиш, «Алифбе»сиз ўқитиш каби имкониятлар берилган. Фикримизча, бу ишлар маълум тайёргарлик билан, аниқ режа асосида, чегаралланган вақт ичида ва белгиланган меъёрда, халқаро андозалар ўлчовига мутаносиб олиб борилиши керак. Ҳозир буларда аниқ тизим етишмаслиги сабабли бошбошдоқлик устиворлик қилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун мақсадларига жавоб берадиган таълим стандартлари тузилмаган ёки тузилганлари ҳам амалга жорий қилинмаган.

Мактабда боланинг билими, тарбияси, умуман, ривожланиши нисбатан бўлса ҳам баҳоланади, синфдан-синфга кўчирилади. Бунда ўқитувчининг меҳнати ҳам ҳисобга олинади, таҳлил қилинади. Хўш, боғчани битирган боланинг мактабга тайёрлиги (яъни тарбиячининг меҳнати) ҳисобга олинадими? Уни баҳолаш мезони борми? Агар шундай мезон мавжуд бўлса, шу мезонни оилада болани мактабга тайёрлаш учун ҳам қабул қилса бўладими?

Ана энди бу саволни юқоридаги савол билан бирлаштириб, умумий жавоб излайдиган бўлсак, 1-синфга ўқишга келадиган боланинг мактабга тайёрлиги ва ривожланганлигини ҳисобга олиш имкониятини, умуман ёки айрим олинган фан юзасидан аниқлаш мумкинга ўхшайди.

Мавжуд қўлланмаларга асосланиб болаларнинг риёзиётдан тайёрликларини ҳисобга олишга уриниб кўрамиз. Бунинг учун болалар боғчалари учун дастурлар ва «Элементар математиқа режалари» (болалар боғчаси катта ва тайёрлов группаларида ўтказиладиган машғулотлар учун), (Р. Курмакаева, М. Аъзамова, С. Норматова, М. Юсупова. Тошкент, «Фан» нашриёти, «Нур», 1992 йил)даги маълумотлар асос қилиб олинди. Ўғил-қизларнинг ундаги берилган:

— 10 гача тўғри ва тескари санаш. Нарса, товуш ва ҳаракатларни санаш. Берилган сондан битта олдинги ва битта кейинги сонни айтиш.

— 0 дан 9 гача бўлган рақамларни таниш. Ўқиш ва қатордаги ўрнини билиш. Нулнинг маъноси ва қатордаги ўрни (ёнма-ён сонлар).

— Тенг, катта, кичик тушунчалари. Оддий таққослашлар.

— Қўшиш (+) ва айириш (-) белгилари. Битталаб қўшиш ва айириш. 2, 3, 4, 5 нинг ҳосил бўлиши; таркиби (4=1+3; 4=2+2 каби).

— Саноқ ва тартиб сонлар. Нечта? Нечанчи? Қайси? саволларининг маъноси, фарқи.

— Доирача, квадратча, тўғри тўртбурчак, учбурчак, тўртбурчак, катак дафтарда квадрат ва тўғри тўртбурчак чизиш.

— Ўнгда, чапда, олдинда, орқада, ўртада, юқорида, пастда, бурчакда каби фазовий тасаввурлар.

— Нарсаларнинг узунлиги, катталиги, кенглиги, баландлиги, йўғонлиги ва қалинлиги буйича таққослаш, қаричлаб ёки бошқа шартли ўлчов бирлигида улчаш.

— Эрта, кеч, кун, тун, кеча, эртага, ҳафта, ой, 1 йил 12 ой эканлиги каби тушунчаларни англаб етиши кўп омилларга боғлиқ.

Шунинг учун юқоридагиларга таяниб, биринчи синфда ўқишга қабул қилинадиган ўқувчилар учун ривожланганлик даражасини белгилаб, унга мувофиқ суҳбат мазмунини тузиб олиш лозим.

Бошқа фанлардан ҳам шундай талаблар мажмуини белгилаш орқали юқоридаги рўйхатни яна тўлдириш мумкин. Ва, ниҳоят, шуларга асосланиб, биринчи синфга ўқишга келадиган болаларда шаклланиши лозим бўлган тушунчалар, тасаввурлар меъёрини белгилаб, маълум андоза ҳолига келтириш, шу андоза асосида ўтказиладиган суҳбат орқали болани мактабга қабул қилиш керак. Шундай қилганда боғча тарбиячиси ҳам, ота-она ҳам болани мактабга тайёрлашдаги ўз бурчи ва масъулиятини ҳис қилади.

Бу жараёнда мактаб илмий бўлим мудири, бошланғич синфлар метод бирлашма раиси ва ҳамма 1-синф ўқитувчилари биргаликда бўлажак 1-синф ўқувчиларини суҳбат-танловдан ўтказади. Бунда, албатта, болаларнинг билими, иқтидори билан бир вақтда уларнинг қизиқиши ва қобилияти ҳам ҳисобга олинади.

Иккинчидан, боғчадан ва оиладан (нулинчи синфдан) келадиган болалар учун ягона дастур асосида талаблар мажмуи (Давлат стандартларини) ишлаб чиқиш ва қобилияти ҳам ҳисобга олинади.

Иккинчидан, боғчадан ва оиладан (нулинчи синфдан) келадиган болалар учун ягона дастур асосида талаблар мажмуи (Давлат стандартларини) ишлаб чиқиш ва суҳбат-танлов вақтида шунга таяниш талаб этилади. Агар ота-оналар ўз фарзандларининг тайёрлигини мезон талаблари даражасига етказиб олишни хоҳласа ёки болалардаги билим ва тасаввурларни маълум тартибга келтириб олмоқчи бўлса, шу илм маскани яқинидаги хусусий (пуллик) мактабларга мурожаат этишлари мумкин. Туман халқ таълими бўлимлари маҳаллаларда шундай болаларни мактабга тайёрлаш ва уларнинг муваффақиятли ўқишларига ёрдам бериш мақсадида хусусий, оилавий мактаблар очилишига ва уларнинг муваффақиятли ишлашига методик томондан амалий ёрдам беришлари лозим.

Бу ишларни тўлиқ амалга ошириш учун, даставвал, биринчи синфга келадиган болаларнинг таркиби ва миқдори аниқланади. Бўлажак 1-синф ўқитувчилари биргаликда ўқувчиларни танлаш мезонларини ишлаб чиқадилар ва унга мос суҳбат мазмунини белгилаб, зарур тайёргарлик ишларини олиб борадилар. Ота-оналар билан суҳбатлашадилар. Уларни руҳий жиҳатдан бўлажак суҳбат-танловга тайёрлайдилар. Белгиланган куни суҳбат-танлов маросими ўтказилади. Унда мактаб раҳбарлари, ота-оналар, ўқитувчилар, боғча тарбиячилари, 1-синф ўқитувчилари иштирок этадилар.

Танлов-суҳбатнинг самарали натижалар беришига шубҳа йўқ. Лекин, айрим ўқувчилар баъзи сабабларга кўра, ўз қобилиятини кўрсата олмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Табақалаб ўқитишдан кузатилган мақсадга кўра, бу масалага тўла маънода онгли муносабатда бўлмоқлик талаб этилади. Танлов-суҳбатнинг муваффақиятли ўтиши учун (айниқса, боланинг қобилиятини аниқ баҳолаш мақсадида) шу синфнинг ўқитувчилари болалар билан суҳбатдан олдин 2-3 марта ўйин машғулотлари ўтказишлари мақсадга мувофиқ. Бунда бўлажак ўқувчилар ўз устозларига ўрганадилар, уларда майл, яқинлик пайдо бўлади. Тортинчоқлик ўрнини дадиллик эгаллайди.Ўз имкониятларини тўлароқ намойиш эта оладиган бўладилар.

Мабодо, бирор ўқувчи, ўқув йили давомида ўзи ўқиётган синфдаги ўртоқларидан илгарилаб кетса, яъни қобилиятини намоён қила олса ёки лаёқатсизлиги сабабли бу синфга муносиб эмаслиги аён бўлиб қолса, албатта, ўзига муносиб синфга кўчирилиши мумкин.

Бизнингча, бу суҳбат-танлов вақтида қатнашган ота-оналар ўз фарзандларининг камчиликларини ва келгусида нималарга эътибор бериш кераклигини билиб оладилар. Бундай табақалаштириб ўқитиш истиқбол мактабининг зарур таркибий қисми бўлиб, ҳали анча аниқликлар киритишни ҳам талаб қилади.

**Маҳамаджон АҲМЕДОВ,**
**РТИММнинг бош методисти.**

*Август кенгашларига*

*Кеча ва бугун*

### ҚИШЛОҚДАГИ СЕМИНАР

*Фарғона вилоятининг Охунбобоев тумани Ғиштмон қишлоқ маданият марказида «Маданият ва ислоҳот» мавзуида Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинарда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов, Охунбобоев тумани ҳокими Муҳиддинхўжа Аҳмадхўжаев, Фарғона вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Саидали Одилов ҳамда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят марказининг раҳбар ва ходимлари иштирок этдилар.*

### БОЛАЛАР ХИЗМАТИДА

*Сурхондарё вилояти Маннон Уйғур номли мусиқа театрининг санъаткорлари Термиз шаҳридаги «Пахтаой» оромгоҳига бориб ўзларининг концерт дастурларини тақдим этишди. Айни пайтда оромгоҳда 200 дан зиёд бола ҳордиқ чиқармоқда. Бу ерга вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари ҳам тез-тез ташриф буюриб, турли мавзудаги кўчма кўргазмалари билан болаларни хушнуд этмоқдалар. Оромгоҳда болалар учун барча қулай шароитлар яратилган.*

**Мухтасархон КАРИМОВА.**

### ХУШХАБАР

**Таҳририятимизга Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасидан хушхабар келди. Унда вилоятнинг Оқтош, Каттақўрғон шаҳарлари ҳамда Оқдарё, Нарпай, Ургут туманлари мактабларида янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари тўлиқ якунланганлиги маълум қилинади.**

**Мухбиримиз.**

## ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Яқинда Қўқон шаҳрида умумтаълим мактаблари 11-синф ўқувчиларининг битириш шодиёналари ўтказилди. Бу тадбир шаҳарнинг энг сўлим масканларидан бири — Муқимий номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, корхона ва ташкилотлар, мактаблар раҳбарлари, ота-оналар иштирокида кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркин Эргашев битирувчиларни муборакбод этиб, уларни ўз мактабларига, ўқитувчиларига садоқатли бўлиш, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишга даъват этди. Бу йил мактабни битирган 960 ўқувчидан 37 нафарига шаҳар ҳокими ўрта маълумот тўғрисидаги аъло даражадаги шаҳодатномани топширди.

Шу куни кечга қадар Муқимий боғида ёшлар сайли ўтказилди. Санъаткорлар, аскиячилар байрамнинг файзига файз қўшишди. Байрамга фарзандлари билан келган ота-оналар ва шаҳар аҳолиси учун республикада таниқли тадбиркор Нуруллохон ҳожи Абдуллаевнинг «Роҳат» савдо фирмаси томонидан савдо ташкил этилди. Кўплаб тонна шакар, ун, гуруч маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилди.

**Т. АБДУМАЛИКОВА.**

*Сафар таассуротлари*

## «ТОЖМАҲАЛ»НИНГ ДОВРУҒИ

**Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари Ҳиндистон сафаридан қайтдилар**

***Пойтахтимиздаги 24-ўрта мактабда ҳинд тили, адабиёти ва санъати чуқур ўргатилади. У ҳинд халқининг буюк сиёсатчиси Лаъл Баҳодир Шастри номи билан аталади. Мактабда Лаъл Баҳодир Шастрининг ҳайкали ҳам ўрнатилган. Ўзбекистон мустақил республикага айлангач, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ришталари маҳкамроқ боғланди.***

***Яқинда мактаб жамоасига Ҳиндистон сафарида бўлиш бахти насиб этди. Сафар 20 кунлик эди. Мактабда 30 йилдан ортиқ ҳинд тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган, «Ўзбек мактабларида ҳинд тили ўқитиш китоби»нинг муаллифи Л. С. Семаева ва илмий бўлим мудири Муҳаррам Қодирова ҳамда айрим ўқувчилар билан сафар хотиралари ҳақида суҳбатлашдик.***

*— Халқимизда «Қулоқ билан эшитгандан кўра кўз билан кўрган юз марта афзал», деган гап бор. Бу жуда тўғри. 20 кишидан иборат бўлган делегациямиз аъзоларини Ҳиндистондаги дўстларимиз меҳр-муҳаббат билан самимий кутиб олдилар. Биз учун ҳозирланган алоҳида жойга жойлашдик. Эртаси куни Деҳлидаги Қутб Минор, «Қизил қалъа», «Эски қалъа», Жоме масжиди сингари бир қатор тарихий жойларни зиёрат этдик. Шундан сўнг «Мўғул боғи», Президент саройи, Жаворатларни жуда эъзозлаб, ҳар доим таъмирлаб турар эканлар. Бу ишдан кўнглимиз шод бўлди. Бобур авлодлари томонидан яратилган маъмурий обидалар ҳақиқий санъат асарларидир. Ҳарлаъл Нерунинг уй-музейларини зўр қизиқиш билан томоша қилдик. Биз бутун группамиз билан Ҳиндистоннинг 20 дан ортиқ шаҳар ва вилоятларида бўлдик. Қайси бир шаҳарда бўлмайлик, биз худди Ўзбекистон кўчаларида юргандек эдик. Чунки улуғ саркарда, адибимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан тикланган қаср, масжид, мадрасалар яқинда қурилгандек кўзга ташланиб туради. «Тожмаҳал» бизни ҳайратга солди. Ҳинд халқи бизнинг аждодларимиз томонидан тикланган иморатларни ўзи эъзозлаб, ҳар доим таъмирлаб турар эканлар. Бу ишдан кўнглимиз шод бўлди. Бобур авлодлари томонидан яратилган маъмурий обидалар ҳақиқий санъат асарларидир. Айниқса, Ҳиндистоннинг 7 кўлдан иборат Ненетал номли баланд тоғ тепалигига жойлашган гўзал шаҳри бизга ёқиб қолди. Биз бир ҳафта шу ерда дам олдик. Бу ерларда баҳайбат, аммо ювош филлар бўлиб, ўқувчиларимиз уларга миниб, юқорига кўтарилдилар. Сафаримиз сўнггида хайрлашув кечаси тантанали ўтди. Кечада Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Сурьат Мирқосимов (у ҳам 24-мактабда ўқиган) иштирок этди. Ҳиндистон ва Ўзбекистондан борган меҳмонлар ҳиндча, ўзбекча ашула айтдилар, ҳинд куйларини чалиб, ажойиб рақсга тушдилар. Сафарда бўлган 15 ўқувчимизнинг кўнгли чоғ бўлди.*

*Сафарга борган баъзи ўқувчиларнинг ҳам айрим таассуротларидан парча келтирмоқчиман.*

***10-синф ўқувчиси Нилуфар УСМОНОВА:***

*— Менда чуқур таассурот қолдирган нарса шу бўлдики, Ҳиндистонда ҳам жуда кўп мусулмонлар яшаб, бизнинг урф-одатларимизга содиқ эканлар. Буни мен «Камл мандра» ибодатхонасига борганимда ҳис қилдим. Бу ибодатхона 1986 йилда битказилган бўлиб, Ҳиндистонда бўлган барча диндорлар шу ибодатхонага келиб, жамики ўтганларимизга бағишлаб ибодат қилар эканлар. Булар орасида мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар биз Ўзбекистон — мусулмон мамлакатидан зиёрат қилгани келганимизни билгач, мусулмончасига қучоқлашиб кўришишди ва кўзларидан ёш окди. Биз ҳам йиғлаб юбордик.*

***10-»А» синф ўқувчиси Зоиржон ЗОКИРОВ:***

*— Дарҳақиқат, менинг назаримда Ҳиндистон дунёдаги энг гўзал мамлакат. Айниқса, унинг дунёдаги етти мўъжизалардан саналган «Тожмаҳал» ва «Шоҳ Акбар» мақбаралари кишини хаёлга чўмдиради. Мен уларни кинода кўрган эдим, аммо кўз билан кўрганимда, яна ҳам гўзаллашиб кетди. Бизнинг ота-боболаримиз чет элларда ҳам барчани ҳайратга соладиган шундай қасрларни бунёд этганига қойил қоласиз. Сафарга қатнашган икки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳаммаси ўз таассуротларини ҳикоя қилардилар. Уларнинг таассуротлари бисёр. Эшитсангиз гўёки сиз ҳам Ҳиндистон сафаридан қайтгандек бўласиз.*

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**24-мактабнинг собиқ ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

## КЕЧКИ МАКТАБ ЗАРУРМИ?

(Боши 1-бетда).

майди» шиорига амал қилинмоқда. Шу ўринда Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳам КТМ лар буйича қатор тажрибалар тўплаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кечки мактаб, КТМларга, 9 йиллик мажбурий таълимга ўтилганидан кейин, айниқса, эҳтиёж кучайди. Бу йил биргина Хоразм вилоятида 9-синфларни 26 минг нафар ўқувчи битирди. Улардан 16 минг нафари кундузги мактабларнинг 10-синфларида ўқишни давом эттирадилар. 5-6 минг нафар ўғил-қиз эса касб-ҳунар эгаллашга жалб этилади. Энди савол туғилади: қолган 4 минг нафар ўқувчининг тақдири нима бўлади?

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида бўлгани каби бошқа вилоятларда ҳам шу каби муаммолар юзага чиқмоқда. Бу борада қатор изланишлар олиб бориляпти. Халқ таълими вазирлигида ҳам кечки таълим масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Аслида бугунги йиғиндан кўзланган мақсад ҳам мутахассисларнинг кечки мактабни қандай тартибда ташкил қилиш борасидаги фикрларини билиш эди.

Давра суҳбатида ўқув ишлаб чиқариш комбинат (МУПК)ларини КТМларга айлантириш, КТМларга ҳунар-техника билим юртлари мақомини бериш каби фикрлар ҳам ўртага ташланди. Иккинчи фикр -бизга бирмунча баҳсталаб бўлиб туюлди. Чунончи, КТМлар ўқувчиларга умумий ўрта таълим билан бирга касбга йўлланма беради, холос. ҲТБЮларида эса асосан касб-ҳунар ўргатилади. Ҳар икки ўқув маскани ўзаро ана шу жиҳатлари билан фарқланади.

Шунингдек, давра суҳбатида транспорт қатнови, ҳудудий эҳтиёжларни эътиборга олган ҳолда кундузги мактаблар кечки гуруҳ (синф)ини очиш, КТМларни туман марказларидагина ташкил этиш каби фикрлар ҳам билдирилди.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозарага бой бўлди, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Энди тажрибалар ўрганилиб, қатъий хулосага келинади. Хуллас, тез орада кечки мактаб янги тартибда юзага келади, деб ишониш мумкин. Бу ҳақда кейинги сонларимизда батафсил тўхталамиз.

Суҳбатда Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин МАЪСУДОВ қатнашди ва кўплаб саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.**

*Иқтисод сабоқлари*

# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТУБ МАЪНОСИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг бош қонуни — Конституциямизга асосланиб бир қатор бозор иқтисодиётини ривожлантирувчи қонунлар қабул қилинди. Уларнинг асосийлари мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва уларнинг фаолияти, солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестицияларини тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлардир. Барча қонунларда тегишли нормалар ўз аксини топган бўлиб, шу нормалар орқали бозор иқтисодиёти тартибга солиб турилади. Айни бир вақтнинг ўзида бу қонунлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ҳам хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шаклланиб бораётган ҳозирги даврда кишиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим вазифадир. Шу боис фуқароларда қонунларга ҳамда норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга.

**IV. Аҳолининг демографик таркибини (жумладан оилавий ҳусусиятларини) ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.**

Бу тамойилни ишлаб чиқиш улуғ аллома Алишер Навоийнинг халқпарварликка қарата:

**Одамий эрсанг, демагил одамий**
**Ониким йўқ халқ ғамидин ғами,** — деб айтган ҳикматига амал қилиш десак, муболаға бўлмайди.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши собиқ СССРга нисбатан йилига 2,7-3 фоизни ташкил этса, Латвия, Литва ва Эстонияда аҳолининг камайиши қайд қилинган. Демак, социал-иқтисодий муаммолар ҳам ўз навбатида шунга қараб мураккаблашади.

Республикамизда ҳар йили 600 минг нафарга яқин инсон дунёга келмоқда. Уларнинг униб-ўсиши, яшаши ва ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ечиш керак. Ўз даврида собиқ Иттифоқ раҳбарлари бу муаммони минглаб одамларни Ноқоратупроқ ўлкаларни, Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришга кўчириб юбориш йўли билан ечмоқчи бўлганлар, аммо бу самара бермаган.

Бошқа мамалакатларда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга нисбатан мустақил Ўзбекистондаги ислоҳот ўз инсонпарварлик тамойили билан ажралиб туради. Чунки амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади, инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлаш учун шароит яратишга қаратилгандир.

Буни биз мамлакатимизда 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўланаётгани, икки ёшгача бўлган ғўдаклар ҳамда камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларга бепул овқат берилаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аҳолининг муҳтож қисмига кундалик зарур молларни сотиб олишда, коммунал ва транспорт хизматига ҳақ тўлашда қўшимча имтиёзлар жорий этилган. Ишсизларга махсус нафақалар тўланиб, уларни қайта касб эгасига айлантириш учун ўқитишларга маблағлар сарфланаяпти. Энг зарур озиқ-овқат моллари нархи дотация (бюджетдан пул ажратиш) ҳисобига нисбатан арзон даражада ушлаб турилибди.

Амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тадбирлари ҳаммага баробар бўлгани учун умумий хайрия ролини бажармоқда. Келгусида эса ижтимоий ҳимоя наф бериши учун нархларни эркинлаштириб, бюджетдаги дотация қисмини тўла-тўкис фақат муҳтожларга тақсимлаш мўлжаллангандир. Шундай қилинса, таъминланган табақаларга эркин нархлар сезиларли таъсир кўрсатмайди. Ногиронлар, нафақахўрлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшлар, умуман аҳолининг кам таъминланган қисмига дотация ҳисобидан қўшимча пул тўлаб турилса, эркин нархлар орқали вужудга келадиган қийинчиликлар деярли сезиларсиз бўлади. Мана шу йўл билан нарх-навони жаҳон талаблари даражасига келтириб олиб, бозор иқтисодиётини зарур шартларидан бирини амалга оширган бўламиз.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлида ижтимоий соҳалар — соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, санъат, илм-фан соҳаларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳаларда ишловчи кишиларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, кучли ижтимоий ҳимоялаш орқали уларга ўз ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш кўзда тутилган.

Кишилар моддий аҳволини яхшилашда давлат маблағларидан ташқари меҳнат жамоаларининг, ташкилотларнинг, турли хайрия жамғармаларининг маблағларидан ҳам фойдаланилаётир. Бу борадаги яққол мисоллар (хабарлар) матбуот саҳифаларида ҳам ёритиб бериляпти.

**V. Бозор иқтисодиётига ўтишни пухта ўйлаб, эволюцион йўл билан босқичма-босқич амалга ошириш.**

Бу тамойил мазмунини «шошганда «лаббай» топилмас» ёки «ҳеч бўлмаганидан кеч бўлгани яхши», деб айтилган халқ мақолларига қиёс қилиш мумкин.

Юқорида фалаж (шок) терапия ёки инқилобий «сакраш» усуллари мамлакатимиз учун тўғри келмаслиги ҳақида ҳамда бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш учун талайгина вақт талаб қилиниши тўғрисида айтиб ўтган эдик. Тадрижий усулни маъқуллиги юзага келган шарт-шароитларни ва вазифаларни таҳлили орқали исбот қилинса, кўпроқ тушунарли бўлади, албатта.

Маълумки, илгари биз яшаган тоталитар иқтисодий тизим ва ҳозир биз яшамоқчи бўлган бозор иқтисодиёти бир-бирига бутунлай тескари бўлган, ўзаро ҳеч келиша олмайдиган хўжалик тизимларидир. Қўлаверса, хўжаликни бир сифат ҳолатидан умуман янги иккинчи сифат ҳолатига (янги ҳаёт фалсафасига) ўтиш демакдир. Биз ўтмоқчи бўлган тизим узоқ тарихий тараққиётнинг натижасида барпо этилган. Бу борада кишиларимиз тафаккурини ўзгартиришга, ташкилий, иқтисодий, молиявий-кредит тизимларни қайта қуришга, тегишли ҳуқуқий асосни бозор инфраструктурасини вужудга келтиришга, янгича ишлайдиган кадрлар тайёрлашга талайгина вақт керак. Аммо вақт баҳонасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиш ҳам ярамайди. Шу боис иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун алоҳида босқичлар аниқланиб, барча ишлар босқичма-босқич олиб борилади.

Мазкур тамойилнинг асосий мақсади ижтимоий ларзаларсиз, одамларни қашшоқлашувига йўл қўймай, иқтисодий тараққиётнинг, янги босқичларига тадрижий усулда ўта боришдан иборат.

Биз юқорида санаб ўтилган тамойиллар мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг концепциясини ташкил этади. Жаҳон тарихида янги ва биринчи бор ҳаётга тадбиқ этилаётган бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос Ўзбекистон йўли ҳар томонлама афзаллиги бутун дунё иқтисодчи ва сиёсатчилари томонидан тан олинаётир. Буни бугунги мустақил Ўзбекистондаги катта ўзгаришлар — юзлаб қўшма корхоналарнинг ишга туширилаётгани, чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар, хусусийлаштиришнинг бориши, бозорларда кенг истеъмол молларининг тобора кўпаяётгани каби мисоллар ҳам яққол намоён этади. Булар Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар туфайли юзага келаётган фаровонлик дебочаларидир.

**Ёркин МУҲИБОВ,**
**иқтисод фанлар номзоди, доцент.**

---

*Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

# МИРМУЛЛА ШЕРМУҲАММАД КИМ ЭДИ?

**Исломжон ТУРСУНОВ,**
**Ҳайдарали УЗОҚОВ**

(Боши 1-бетда).

булимини ўқиганман. Николай ва унинг генераллари Куропаткин, Скобелев кабиларни жуда боплаб тасвирлаган, уларнинг қонхўрликларини очиб ташлаган эди. Китобнинг номи ёдимда йўқ.

Мирмулла ака жуда самимий ва тўғри сўз одам эди. Унинг илми шу қадар ўткир эдики, ҳар доим уйларига Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Назир Турақуллар келиб маслаҳатлар олиб туришарди. Улар Мирмуллани ўзларига устоз деб билардилар. У татарча, озарбайжонча, туркча газета ва журналларни ўқиб ўзбекчага ўгирарди. Эрон ва Афғонистондан келган китоб ва журналлар уйида тахлаглиқ турарди. У нимаики обрўга, ҳурматга эга бўлган бўлса, фақат саводхонлиги ва зукколиги орқасидан бўларди. Унинг билимдон ва саводхон, ўткир ёзувчилигини Беҳбудий ва Фитратлар билан тенг қўйгим келади. Афсус, у ёш ўлиб кетди. Ҳамон эсимда, 23-йилнинг иссиқ куни—овгустнинг охирлари ёки сентябрнинг бошлари бўлса керак — вафот этган эди. Таъзияда шахсан қатнашганман. Ота мозорда одамнинг қўплигидан ўтиришга жой қолмаган эди. Маросимда ҳукумат раҳбарларигача қатнашгани ёдимда...»

Асримизнинг бошлари ва 20-йиллар ибтидоларида мустақиллик учун кураш олиб борган, ўзининг бадиий юксак шеър ва газаллари, ҳикоя ва публицистик асарлари, танқидий мақолалари билан ўзбек адабиётида ном чиқарган Мирмулла аканинг шахсияти, адабиёт ва театр танқидчилигида ўз изини қолдирганлиги хусусида изланишларни давом эттирамиз. Қўлимизда «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Самарқанд», «Улуғ Туркистон», «Иштрокиён» газеталарининг тахламлари. Биргина шу рўзномаларнинг ўзида шоирнинг элликка яқин шеърлари, Жиззах қўзғолонига атаб ёзилган бир публицистикаси, ўн бешта ҳикояси ва масхарабозлик театри репертуари хусусида битган мақоласини ёзиб оламиз.

Атоқли тарихчи олим, 95 ёшлик нафақахўр Очил ота Қодирий ҳузуридамиз. Отахон ҳам жуда қўплаб тарихий воқеаларга шоҳид бўлганлардан. Отахонга Мирмулла ака ҳақида билган, эшитганлари тўғрисида савол билан мурожаат қиламиз:

«Мирмулла ака билан мен 21-йилнинг баҳорида Самарқандда «Маориф уйи»да танишганман. Мени таниқли олим, йирик маърифатпарвар муаллим Нуриддин Мурадов таништирган эди. Мирмулла шоир қотмадан келган, узун бўйли, чиройли юзли, чўзиқ иякли, кўзлари маъноли боқувчи инсон эди. Унинг эгнида кўпинча йирик чизиқли ўзбекча беқасам чопон ва думалоқ қора чақмоқтелпак бўларди. Қора хром этик кийиб юрарди. Ёз ойларида кўкраги очиқ, узун оқ яктак кийиб, устидан белбоғ боғлаб юргувчи эди. У кишиларга ниҳоятда меҳрибон, ростгўй, ўта самимий одам эди. У туркий тилларни яхши билар, араб ва форс тилларида бемалол гаплаша олишига ўзим гувоҳ бўлганман. Мирмулла ака ҳамиша қўлтигига газета ва журналларни тиқиб юргувчи эди. Унинг шеър ва ҳикояларини «Қизил байроқ», «Ишчилар дунёси», «Нажот» каби газеталарда ўқиганман. «Ишчилар дунёси» журналининг ташкилотчиси ҳам шу Мирмулла ака бўлганлигини яхши биламан.

Қўнлардан бири, шу 21-йилнинг ёз ойлари эди шекилли, мен ўқийдиган уч ойлик маориф курсида дарс бериб турганларида, дарсхона эшиги тақиллаб қолди. Устоз танаффус эълон қилдилар. Биз ҳовлига чиқдик, устозни кутиб турган Абдулла Қодирий, Мажид Қодирий, Элбек, Чўлпонлар қарши олишди. Билсам, бу улуғлар Мирмулла ака билан ниҳоятда яқин кишилар экан. Устоз Мирмулла Шеърмуҳаммад ўғли ёзган ҳикоя ва кўпчилик шеърлари қулги ва сатирик руҳда бўларди...»

Дарҳақиқат, Мирмулла ака таҳаббуси билан ташкил этилган «Ишчилар дунёси» жарнали ос муддат чиққан бўлса-да, унинг доирасига Зиё Саид тили билан айтилганда: «Яқин ёзишувчилар—Мулло Ғозо Юнус Муҳаммад ўғли, Ғулом Зафарий, Ишчи, Лазиз Аиззода, Муҳаммад Юсуф Маҳамадали ўғли, Мирмашриқ Мирюнус ўғли—шоир Элбек, Мусулмон ўғли ҳам Мирмулла Шеърмуҳаммад ўғли» (Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. Т., 1927, 37-бет) каби йирик журналист ва ёзувчилар жалб этилган эди.

Мирмулланинг шеърларида юксак ҳарорат, юрақдан тезда жой олувчи нозик туйғу, кулгили кесатишлар силсиласидаги қочириқлар кўп бўларди.

Унинг қаламига мансуб бўлган, 1915 йилда «Садои Туркистон» газетасининг 10 июнь сонида босилиб чиққан «Бир шоирнинг сотқинлиги» шеъри ва унинг руҳий ҳаракат изларининг оқими ҳозирги кундаги баъзи икки юзламачи ёзувчи, шоир ва журналистлар, қолаверса баъзи беқарор зиёлиларга ҳам тегишли бўлиб хизмат қилади. Мана, ўша шеър:

*Ўттуз уч кун саҳро кезиб шоир бўлдим,*
*Шоирликнинг йўлларига моҳир бўлдим.*
*Тоғлик, отлиқ, маймун бошлиқ шуҳрат билан,*
*Кўп ишларни билиб олиб усто бўлдим.*
*Чечак бўлиб булбул бирлан ошно бўлдим,*
*Илҳомлашиб, олийлашиб учар бўлдим.*
*Баҳзиларда булбул қочар мендан безор,*
*Ундан кейин «ола қарға» дўсти бўлдим.*

Мирмулла ижодига назар ташлар эканмиз, унинг қаламига мансуб бўлган асарлар орасида тизмалар асосий ўринни тутиб, улар «Ҳуррият», «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Турон», «Кенгаш», «Нажот» сингари газеталарда чоп этилгандир. Бу давргача ёзган сочма асарлари шеъриятга нисбатан озроқ. «Ҳуррият»да босилган «Ғофил бандалар», «Садои Туркистон»да босилган «Икки юзли», «Самарқанд»да берилган «Имон керак», «Дунё илмига саёҳат», «Кенгаш»да эълон қилинган «Ўйлаб келинг» сингари бадиий юксак шеърлар шулар жумласидан.

Инқилобдан сўнг эса шоирнинг ижоди кўпроқ ҳикоячилик ва театр танқидчилигига доир муаммоларга қаратилган, «Қизил байроқ»—«Туркистон» газеталарида унинг қаҳр ҳикоялари ҳам босилиб туради, ана шундай кулги ва ҳажвий ҳикояларидан «Улуғ байрам», «Турмуш кўринишлари» сингарилар шоирнинг қуёви—атоқли шоир ва педагог Элбекнинг 1925 йили Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Ғўзал ёзгичлар» дарслигига киритилгандир. Шунингдек, ушбу дарсликнинг 75—78-саҳифаларида «Эй қўбиз» сарлавҳали шеъри ҳам «Тикон» имзосида берилгандир.

Текширишлар, фактлар шуни кўрсатадики, Мирмулла ўзининг қисқа умри давомида ўзбек миллий маданияти ва маорифи соҳасида жуда катта ишлар қилган. Чунончи, 1912 йил ва 1920 йилларда олган қалам ҳақлари ҳисобига ўз ёнидан Тошкентда дастлаб рус-тузем ва кейин икки босқичлик дунёвий илмлар ўргатувчи «Эски мактаб» очган ва бунда ерли халқ болаларига сабоқ берган. Мактабда Ҳожи Муйин, Элбек кабилар ҳам дарс берганлар. Шорасул Зуннун сингари улуғ педагоглар она тили ва ахлоқдан ўтишгани маълумдир.

Мактабда Мирмулла аканинг ўзи ҳисоб, жўғрофия, она тили, ҳусни хат, адабдан дарс берарди: ёзув билан ўқиш дарслари юқоридаги ҳар бир дарс жараёнида қўшиб олиб бориларди. Агар бола тўғри ёзув билан ўқишдан пеш, равон бўлсаю, ҳисоб ёки жўғрофиядан андак камсавод эрса ҳам, ўқитувчилар боланинг савиясини қониқарли баҳолар ва бундайларга яхши эътибор беришарди.

Бу мактабларнинг ҳаракат дастурларида миллий қадриятлар ва дунёвий илмларга садоқат ҳамда хаттотлик санъатига меҳр қўйиш, равон ўқиш кўникмалари тарбиясига иштиёқ уйготиш бош масала эди. Шунинг ўзи унинг мактаби руҳида жадидчилик ҳаракатининг миллий ғоялари ташвиқини, таълимнинг туркий анъаналари тарғибини кўрсатар эди.

У жамиятда ҳар қандай фикр заминига қўрилган исъёний ҳаракат ўша он, ўша палла учун янгиликдир, «Бу нарса ўз навбатида янгилик бўеғи билан жадидчиликнинг назарий асосларидан бирини—зарурини белгилайди», деб тушунарди ва тўғри иш қиларди. Ана шулар асосида ёшларга таълим берарди.

«Мен Мирмулла акани,—деб хотирлайди ўзбек журналистикаси ва таржимачилиги дарғаларидан бири, ҳозирда 87 баҳорни қаршилаган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Шеърбек Алиев,—22 йилдан бери биламан. Бу даврда ота жуда катта ҳурматга сазовор бўлган ёзувчи эдилар. Агар зўр ишонч билан айтадиган бўлсам, мен ўрис тилидаги адабиётлардан фойдаланишни ўша кишидан ўрганганман, таржима санъатини эса Аъзам Айюб, Наим Саидлардан ўзлаштирганман. Бир сўз билан айтганда, бу теран фикрли шоир ва ёзувчидан ўша даврнинг улуғ ёзувчилари Абдулла Қодирий, Элбек, Чўлпон, Зиё Саид, Ботир Ғулом, Ғози Юнус кабилар кўп манфаат кўрганлар, ҳатто уларнинг кўплари бу улуғ инсонни ўзларига устоз деб билганлар. Мирмулла аканинг саховати ва акалик ёрдамлари билан унинг ўз укалари—атоқли журналист ва ёзувчи, педагоглар Мирмуслим, Мирмуҳсин ва Муборак Шермуҳаммадлар ҳам олий малакали, юксак дилли зиёли бўлиб етишганлар. Бу инсон ҳаётида сохта, ёлғон ва тагсиз гап қилмаган. Унинг айтган ҳар бир танқидий фикри фақат ўринли ва самимий бўларди. У 23-йили оғир касалликдан ўлиб кетди. Аммо унинг Мирмуҳсин исмли укаси ўзбек миллий маданияти ва журналистикасидаги алломалардан эди. Мирмуслим эса атоқли журналист ва давлат арбобларидан эди, 38-йили отилиб кетди, раҳмат ва.

Маннон Рамзи ва Шокиржон Раҳимий, Носир Саид сингари улуғ журналист ва ёзувчиларга раҳнамолик қилганлигини шахсан биламан».

Ҳа, бу айтилган сўзлар ёзма нутқда зўр этилмаган. Оғзаки талқинлар. Аммо тарихдан маълумки, тоталитаризм шароитида ёзма нутқнинг аксарияти ёлғон ва бўҳтондан иборат кўрсатмалар асосида бўлган эди. Тарих тақозоси билан мустақиллик туфайли айтиш ва шарҳлаш лозим бўлган ҳозирги шароитда, яккам-дуккам, саноқли қолган тарихнинг тирик шоҳидлари гапириши, гувоҳлик бериши лозим бўлган демократик жараёнларда, улар берган кўрсатма ва эсдаликлар ёзма нутқдан ўн чандон тўғри ва ҳақиқат бўлса не ажаб? Масаланинг ана шу томони муҳимдир.

Бу инсонни театр танқидчиси сифатида таърифлаган эдик. Тўғри, бу бор ҳақиқат. Адабиётшунос олим Б. Қосимов ўзининг бундан 28 йил бурун чоп эттирган «Мирмуҳсин Шермуҳаммедов» номли китобчасининг 6-саҳифасида ҳақли кўрсатганидек, Мирмулла: «Шарқ адабиётини мукаммал ўрганди. Рус тили орқали Ғарб адабиёти билан танишди. Октябрь инқилобига қадар меҳнаткаш оммани маърифатдан баҳраманд бўлишга, асрий сукунатни тарк этиб, ижтимоий уйғонишга ундовчи шеърлар, ҳикоялар яратди. У бир шеърида ўз замондошига қарата: «Садо айлаб нидо қилгил, замон албатта уйғонсин!» деб хитоб қилган эди.

Октябрь туполонларидан кейин Мирмулла инқилобий мавзуда бир қанча ҳикоялар яратди, театр танқидчилиги билан шуғулланди. Ҳамза Ҳакимзода драмаларини холис, чуқур таҳлил қилиб, баҳолаган биринчи ўзбек театр танқидчиси Мирмулла Шермуҳаммад эди. Шоир замонасининг ўткир билимдони, юксак дилли кишиси бўлмаганида эди, 23-йили унинг вафотига бағишлаб кўплаб алломалар эсдалик ва хотиралар битмаган ва эсламаган бўлур эдилар.

Мирмулланинг фикрий бутлиги ва дунёқарашининг кенглиги хусусида йирик журналист ва катта педагог Уктам Усмон «Туркистон»нинг 23-йил, 3-уктабрь сонида ёзган эди: «Туркчилигимизнинг ярамас йўлдолиги, турмушимизнинг бузуқлиги, ҳаёт ижтимоияда «адолат» деган ёруғликнинг кўрилмоғини тўғрисида кўп йўлар, ҳамма вақт мияси шундай фикрларни ташир эди. Сўнг чоқларда ҳам бу бузуқлиқ боргон сари кучая бергач, умидсизлик—пессимистлик вужудини ураб олди».

Атоқли журналист ва педагог Маннон Рамзи «Туркистон» газетасининг ўша юқоридаги сонида «Орамиздан кетаётгон устоз Мирмулла, алвидо бўлсин!», деб юрак аламини босган бўлса, улуғ педагог бир тенгсиз улуғ Шокиржон Раҳимий: «Ўзбек адабиёти ва педагогикаси бир тенгсиз улуғ инсондан ажради: мураббийсини орамиздан йўқотди», деб дардидан чиққан эди.

Бугина эмас, улуғ шоир ва тилчи олим Элбек ўз устози ва қайин оғаси Мирмуллага бағишлаб «Эслаш» номли шеърини битиб (1923, 15 октябрь), уни «Туркистон» газетасида эълон қилди ва шеърни 1925 йилда чоп этилган «Ёлқинлар» шеърлар тўпламига киритди: Мана, ўша шеър:

## ЭСЛАШ

**Адабиётимизга бор кучи билан ишлашган марҳум Мирмулла ўртоққа бағишланади.**

*Бойқушлар инграган вайроналарни,*
*Кўз ёши тўкилган ғамхоналарни,*
*Кўрганда кўз ёшинг тинмай оқарди:*
*Кўзларинг қойғули, мунгли боқарди.*
*Ёниқ юрагингни ўтли оҳлари.*
*Ёшли кўзларингнинг қонли ёшлари,*
*Бояқиш гавдангни сира қизғанмай,*
*Кетганча қуйдириб, доим ёқарди...*
*Чинликни кўргучи сенинг кўзларинг.*
*Чин йўлга бошловчи сенинг виждонинг,*
*Дунё бузиқлиғин очиқ кўрарди.*
*Ҳар бир ингичкаликнинг-да сезарди.*
*Шунинг чун, дунёнинг қурилиш ёғин,*
*Кўб тубсиз, негизсиз, асоссиз, дердинг.*
*Дунёдан бахт излаб юрган эларни,*
*Йўқлиқ денгизига чўмганлар, дердинг!*
*Сенинг бул умидсиз, чуқур қарашинг,*
*Хаёл қапасингго сиғмай бошлади.*
*Сенинг ул кўб севгач, юмшоқ гавдангни,*
*Бузиб-ёриб, бир пучмоққа тошлади...*
*Мана сен, шу тенгсиз дунё қийноғин.*
*Тортаркан кўб вақт йиғлаб, инградинг.*
*Буринда сезган ул барча нарсангнинг*
*Озинда энди ҳеч сира олмадинг!..*
*Умидлар сенданда, бутун кесилди:*
*Эй воҳ!.. Гавданг сенинг, тупроққа кирди.*
*Сенинг гавданг билан тупроқ тўймайдир:*
*Бироқ ўлим ўз деганин қўймайдир.*
*Кўз ёши каби гавданг эй йўқсул,*
*Тупроқ ичра сингиб ботиб кетадир.*
*Ёлғиз сенинг қилгон ишинг ҳам отинг,*
*Мангуликка дунёмизда қоладир.*
*Шунинг учун эй чинликнинг қурбони,*
*Эй кишилик дунёсининг арслони!..*
*Унутмаймиз сенинг қилгон ишингни,*
*Қолдирамиз мангулликка отингни!..*

**1923, 15 октябр**

Гапнинг қисқаси, асримизнинг бошлари ва 20-йиллар адабиётига ўзининг баракали ҳиссасини қўшган, мустақиллик йўлида тинимсиз олдинга интилган йирик педагог ва таниқли ёзувчи Мирмулла Шермуҳаммаднинг вафоти катта қайғуга айланган эди. Бу айтилганларнинг исботи ўлароқ, 1923 йил, 13 сентябрь душанба куни шоирнинг вафот этгани ва уни қўмиш маросимига бағишланган катта таъзия руҳияти ҳақида ўша йили «Туркистон»( ҳозирги «Ўзбекистон овози»нинг 20-йиллардаги номланиши). газетасининг 3 октябрь, 180-сонининг 3-саҳифасида бир бетлик ҳажмида эълон қилинган журналист ва ёзувчи Уктамнинг **«Мирмулла Шермуҳаммад ўғли. 1886—1923»** сарлавҳаси остидаги материали ва таъзия маросими материалларини ҳукмингизга ҳавола этсак-да, бу улуғ шахс ҳақида тўла маълумотни баён қилсак. Ўйлаймизки, бу нарса педагог ва шоир, журналист ҳақидаги ҳар қандай маълумотдан кўра ҳам аниқлик ва пухталик, ҳақиқатга яқинлик томонларини тарихан тўғри талқин этади.

## «МИРМУЛЛА ШЕРМУҲАММАД ЎҒЛИ

1886 — 1923

13 сентябрь душанба куни йўқсул матбуотимиз кўмакчиси, қоронғида қолгон халқимизнинг етакчиси, фидокор, қимматлик бир кишимизни йўқотдик, доимий ундан ажралдиқ. Ул ким эди? Мирмулла Шермуҳаммад ўғли. Бу муборак зот 1886 йил Тошкент музофотида фақир оиласидан дунёга келган. Ибтидоий таҳсилини эски ва рус тузем мактабларида битирган. Сунгра бурунги мадрасаларимизда ўқиган. Оиласи йўқ. Сил бўлгони учун бошқа ерларга бориб ўқий олмаган. Ҳар кимга приказчик бўлуб оиласини боқмоқ, укаларини замон мактабларида ўқитмоқ билан машғул бўлгон.

Ғоят билим севгувчи бўлгони учун барча вақтини мутолижаго бағишлоғон. Ҳатто юрганда, томоқ вақтида бунинг қўлидан китоб тушмас, қўли иш билан овора бўлса ҳам ўзи, фикри китобдан айрилмас эди.

Татаристонда, Туркияда, Озарбайжонда ва бошқа ўринларда босилгон рўмон, ҳикоя, шеър китобларидан Туркистонга келган нусхаларини ўқимай қолдирмаган. Ўзи сотиб олмоққа кучи етмаса, бор кишидан сураб ўқиб чиқар ва кўбининг сўнгида шундай олгон таассуротини маъноларини ёзиб қўяр эди.

Ёлғизгина туркча асарларни, айниқса русча асарларни ҳам кўб ўқиган. Энг севиб ўқиғони ҳаёли ҳикоя ва рўмонлар эди. Ёлғиз улар эмас, ҳатто замонасида газит, журнол ўқимоқ макруҳ саналар экан. Бу, ўшал кишилар билан курашиб, турк дунёсида босилиб, Тошкентга келмак мумкин бўлгон барча газит ва журнолларни ўқур эди.

## ХИЗМАТЛАРИ

Ҳикоя ва рўмонлардоги турмушларни ўз турмушимиз билан солиштириб, чоғиштириб кўрар, турмушимиз—ижтимоий ҳаётимизнинг бузуқлиги, йўлсизлиги учун ҳеч бир тўғри келтира олмас, унинг бузуқлиғидан зорланар, шикоятлар қилар, ҳар кимга шунинг бузуқ ерларини билдирар: тузатиш йўлларини кўрсатар, гапларда, ўлтиришларда жўралари билан шул тўғриларда дардлашар, қайғиришар эди.

Дунёга келиш емак-ичмаклардан иборат деб юрган гофил кишиларни тебратар, туртар, уйготар, янги, енгил турмушга кучиш сезгиларини берар эди. Бошқачароқ қилиб айтсак, ҳаёти ижтимоямиздаги икки оёқлиқ ҳайвонларни киши қаторига қўймоқ, шунга ярарлиқ қилмоқ учун борлиги билан киришар, тиришар эди: очиқ айта оламизки, четларга ўқимоқ учун кетган ўқувчиларимизнинг бир нечаси, ўрта ва олий мактаблардоги студентларимизнинг бир нечаси шунинг таргиботи, уруниши, йўл кўрсатиши билан шундай жойларга кетдилар.

Букун халқ орасидоги онгли деб юриттан кишиларимизнинг кўби бунинг ижтимоий тарбиясини еган ва лексиясини тинглаб, шул ҳолга келган кишилардир.

## МАТБУОТ ВА АДАБИЁТДА ХИЗМАТИ

Чор замонасида миллатимизнинг олдинги сафида турғувчилар «жадидчи»лар эди. Мирмулла ҳам шул ҳайбатнинг бир аъзоси эди, оддий бир аъзоси эмас қаламлик, туйғулиқ бир аъзоси, нозими, ёзғувчиси, шоиридан саналар эди.

Манинг билганим, кўрганим, «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Туркистон вилоятининг газети», «Ойина» рўзномаларида, журнолларида турмушимизнинг бузуқ ерларини кўрсатиб, адабий мақолалар, тизимлар, ҳикоялар, шеърлар ёзди. Халқимизни оқартмоқ учун бор кучи билан чолишди, чарчамади, тиришди, тортинмади, ишлади. «Садои Туркистон» томонидан тарғиб этилган «Сабзазор» китобида ҳам шеърлари бордир.

Инқилобдан сўнг Мирмулла бутунлай ҳикоячи бўлиб кетди, «Назм» ёзмоқни ташлади, ғоят нафис, ҳиссий, ёқимли, қайғили, адабий ҳикоялар билан бутун журнол, газитларда иштирок этиб келди.

Эсимдадирки, совуқ қиш кечаси фирқа қўлубида миллий ахборотимиз тўғрисида гурунглашиб ўлтирар экан, Мирмуллаака, сизнинг ҳикояларингиз, асарларингизни китоб шаклида кўрмак истаймиз, дедим. Бир қошини кериб, бурнини тортиб, мийиқ остидан кулиб, лабининг бир томонини буриб, юмшоқ тўн билан:

—Манинг асарларимни ўзимдан сўнг кўра биласиз,—деган эди.

Демак, онглашиладирки, ҳар ҳолда, бу кишининг ёзма ҳикоя ва рўмонлари бор.

Асарлари бизга ёгордир. Шунинг учун укаси Мирмуқсин билан қуёви Элбекдан, бунинг асарларини тўплаб, матбуот дунёсига чиқармоғини сўраймиз. Тўғри, бир танқидчимиз айтди: танқид ҳар турдоги кишининг ойнасидир. Ойна орқали киши ўзининг бундай эканин кўрмоқ мумкин бўлгони каби, танқид орқасидоғина инсон ўзининг камчилигин, кўркин кўра оладир.

Ўзгаришдан сўнг тўғилгон пиесаларимизнинг ҳато ерларини, тегишли ўринларини миллий саҳна артисларимизнинг янглиш ҳаракатларини раҳмсиз суратда танқид қилар, уларга тўғри йўллар кўрсатар эди. Шунинг танқиди орқасида, куб пиеса ёзувчилар, лаёқатсиз кўб артист номини олиб юрганлар саҳна тевараги дан йўқолмоққа бошладилар, лаёқатлилари тузала бошлади, яроқсиз пиесаларимиз саҳнадан тушди. Бунинг интиқод кўзи ғоят тўғри ва одилона кўрар эди.

Илмий, маданий, адабий тўгаракларда қатнашарди: инқилобдан бурунги «Турон» уюшмасининг ҳақиқий аъзоси эди, илмий-адабий, маданий уюшма ва тўгаракларга астойдил қатнашиб, хизмат эткани каби, инқилобдан сўнгги илмий, адабий уюшмаларга қатнашиб келди, «Чиғатой гурунги»га чин дил билан кириши, янги шоир ва ёзувчиларимизнинг гурунгида ўқилгон асарларни музокара ва танқид этишиб келди. «Ман» жадидчилик даври ишини «ман» демай, ҳар бир янгиликни ғоят эҳтиром билан қарши олар эди.

## ФИКРИ, ДУНЁҒА ҚАРШИ

Туркчилигимизнинг ярамас йўлдолиги, турмушимизнинг бузуқлиги, ҳаёт ижтимояда «одат» деган ёруқликнинг кўрилмагани тўғрисида кўб йўлар, ҳамма вақт мияси шундай фикрларни ташир эди. Сўнг чоқларда ҳам бу бузуқлиқ боргон сари кучая бергач, умидсизлик—пессимистлик вужудини ураб олди. Бунинг устига неча йилдан бери зўрга бир бола онаси бўлганда, бу бола ҳам чақалоқ чоғида дунёдан сафар этди. Мирмулла сил касали билан ўлди. Бу сил касали эса, қадрли, қимматдор бир вужудни вақтсиз, 37 ёшида биздан оберди, тупроқ остига кузатди.

Бундай қадирлик кишилардан ажралиш биз учун чексиз қайғи ва ачинарлиқ бир йўқотишдир. Бироқ: чорамиз йўқ, оиласига сабр бергай!

**ЎҚТАМ»**

Энди, бу катта педагог, йирик ёзувчининг дафн маросими материалини ҳукмингизга ҳавола этамиз:

## «ДАФН МАРОСИМИ

Ўртоқ Мирмулланинг дафн маросимига ўлка ва шаҳар масъул ишчилари, партия ва шўро аъзолари, ёш коммунистлар, бутун матбуот, маориф ходимлари, мактаб шогиртлари, отлиқ ва пиёда мелисия навкарлари иштирок этдилар. Ўртоқ Мирмулланинг жасади 15 сентябрь соат 11 ларда уз боғидан чиқарилиб, шу ернинг масжидида жаноза маросими бўлди. Отамозорга узатилди.

Мозорга боргунча музиқа таъзия маршини чолиб борди. Ўртоқ Мирмулланинг таъзиясига иштирок этганларнинг ҳаммасида қайғи ва ҳар бирида ачиниш аломати бор эди.

## МОЗОРДА

Мотамда музиқанинг дафн марши остида Мирмулланинг жасади қабрга қўйилди. Қабр устида ўртоқ М. Рамзи[1] томонидан унинг таржимаи ҳоли, унинг эл учун қилгон хизмати, матбуот ва адабиёт йўлидоги хизмати ва ташаббуслари тўғрисида мукаммал сўзлади.

Ўртоқ Шокиржон Раҳимий[2] бутун ёшлар, матбуот ва маориф ходимлари номидан таъзия баён қилиб, унинг танқид ва адабиёт йўлидоғи хизматларини санаб чиқди, шунинг билан дафн маросими тамомланиб, ўртоқ Мирмулланинг богига кириб, авлодига таъзия баён қилинди.

**ТАҲРИРИЯТ».**

**Шундай қилиб, Мирмулла шоир ижоди ва шахсиятини ўрганиш борасида изланишларни давом эттирамиз. Бу улуғ зотнинг шу кунгача бирор дона фото-сурати[3] сақланмаган. Бу нарса на биз қидирган манбаларда на биронта газета ва журнал саҳифаларида берилмаган. Инқилобгача чиққан газета-журналларда йирик ёзув

*Талқин*

# Алишер Навоий рубоийлари

**«Зоҳид, сенга — ҳур...» рубоийси.** Бу рубоий ошиқ ва ринд кайфиятидаги лирик қаҳрамон тилидан битилган. У сўзни тўппадан-тўғри зоҳидга мурожаат қилиб, у билан баҳсга киришишдан бошлайди. (биринчи ва иккинчи мисралар). Сўнг эса ўша риндона майлини изоҳлай кетади (учинчи ва тўртинчи мисралар):

*Зоҳид, сенга — ҳур, манга —*
*жонона керак,*
*Жаннат - санга бўлсун, манга —*
*майхона керак.*
*Майхона аро соқию паймона керак,*
*Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.*

Ошиқ — ишқ йўлида, ёрга етиш дардида юрган киши. Ринд — ишқ ўтининг зўридан майхонадан май ичадиган одам. Шеъриятда ошиқ билан ринд образларини бирлаштириб турадиган нарса — ишқ, маъшуқа висолига етиш орзуси. Улар ана шу жиҳати билан зоҳиддан фарқ қилади. Зоҳидга жаннат, ундаги ҳур керак. Ошиқу риндга эса жононаю майхонаю май керак.

Зоҳид тарки дунё қилган киши. У мудом тоат-ибодат билан машғул, узлатга чекинган, тақвога муккасидан кетган. Мақсади — таркидунёчилигу тоат-ибодат билан охират мағфиратини қозониш. Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишишдан иборат. Шу маънода ҳам рубоийдаги лирик қаҳрамон кайфиятида ҳаётсеварлик руҳи устивор.

Лирик қаҳрамонга жаннатдаги ҳур эмас, балки жонона, яъни ёр керак. Унга зоҳиднинг орзусидаги жаннат эмас, балки майхона керак. Чунки жонона — ҳурдан, майхона — жаннатдан азизроқ. Майхонадаги соқий ва қадаҳ ҳам лирик қаҳрамон қўнглига жуда хуш ёқади. Қадаҳ қанча тўла бўлса, яна ва яна керак, дейди у.

Бир қарашда, асар таркидунёчиликка ҳаётсеварликни қарама-қарши қўйяпти. Лекин зинҳор-базинҳор уни диний ақидаларга қарши, даҳрийлик руҳида битилган рубоий, деб тушунмаслик зарур. Чунки рубоийнинг қўриб ўтилган ана шу дунёвий талқинидан ташқари, теран фалсафий тасаввуфий мазмуни ҳам бор.

Зоҳидлик исломнинг дастлабки даврларида, аниқроғи, VIII аср ўрталарида мусулмон жамоаси орасида авж олган бойликка, дабдабали ҳаёт кечиришга ҳаддан ташқари ружу қўйишларга норозилик тарзида вужудга келган бир оқим эди. Зоҳидлар бу дунёга учликдан, бойликдан воз кечиш учун тарки дунё қиладилар, инсонинг яшашдан мақсади Оллоҳга тоат-ибодатдан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Узлари бу ақидаларига қатъий амал қиладилар. Тасаввуф ана шу зоҳидлик ҳаракатидан бошланган. Зоҳидлар — дастлабки суфийлар эдилар, дейиш мумкин. Бироқ тасаввуф тинимсиз ривожланиб борди. Тараққиёт жараёнида шаклланиб улгурган тасаввуф ақидада зоҳидликни инкор эта борди. Чунки зоҳидлар Оллоҳга ишқ таъмидан, Тангри таоло маърифатидан тамом бехабар кишилар эдилар. Суфийлар уларни тамагирликда айблайдилар. Зоҳиднинг тоат-ибодатдан кўзлаган тамаси бор: у жаннатга етмоқчи. У ана шу худбин мақсади учунгина тоат-ибодат қилади. Суфийнинг эса жаннат ва дўзах тушунчаларидан устун турадиган олий мақсади мавжуд — унга Оллоҳнинг ўзи (жонона) керак! Майхона ҳам, май ҳам — ана шу жонона ишқи оташинлигини билдирадиган рамз.

Ҳаётсеварлик ҳам — аслида, ишқнинг бир қўриниши. Чунки бу дунё гўзалликларини севиш мантиқан Оллоҳни севишнинг мажозий — рамзий шакли.

Демак, рубоийда Оллоҳга интилишнинг қуруқ, тамаъ аралашган юзаки даражасини юксак даража — энг олий мақсад сари ҳаракат ( жононанинг ўзига етиш) инкор қиляпти. Зоҳид лирик қаҳрамон тушунган жонона, майхона, соқий, паймона (қадаҳ) деган нарсаларнинг асл моҳиятини англамайди. У бундай ишқий оташинлик завқидан тамом бебаҳра.

Албатта, ошиқни ҳам тамаъсиз деб бўлмайди. Бироқ унинг тамаъси бевосита ёрнинг (Оллоҳнинг) узига етишга қаратилган, жаннат ҳузур-ҳаловатларидан баҳраманд бўлишга эмас. Буни Навоий бошқа бир рубоийсида мана бундай ифодалайди:

*Аҳбоб, денгизки, хону мондин тамаъ уз,*
*Не хону мон, кавну макондин тамаъ уз,*
*Не кавну макон, жону жаҳондин*
*тамаъ уз,*
*Лекин демангиз муники, ондин*
*тамаъ уз.*

«Ондин» деганда шоир ёрни, яъни Оллоҳни кўзда тутган. Ёрнинг ўзига етиш эса жаннатга тушиш умидидан жуда юксак турадиган олий мақсад. Ҳатто, «Бадойиъ ул-васат»нинг 506- газали мақтаъсида айтилганидек, ёр висоли олдида жаннат дўзахдек гап, Ахир, жаннат турганда киши дўзахга интилармиди:

*Навоий, иста висолин, биҳишт*
*истамагил,*
*Киши биҳишт боринда тамуғни*
*истарму?*

Бу ерда Навоий шоирона латифлик билан суфий интилган чинакам висол олдида зоҳид орзулаган ҳақиқий жаннат ҳам дўзах эканини уқтиряпти.

Кўриниб турибдики, шоир инсонларнинг Ҳаққа етиш йўлидаги кўр-курона интилишларини қоралаяпти. Одамларни асл моҳият сари ундаяпти. Уларга дунёнинг моҳиятига етишни тарғиб этяпти.

Бу рубоийнинг асл бадиий мағзи ана шундай.

Рубоий ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мажбуб, яъни:

**мафъулу мафоийлу мафоийлу фаул**

вазнида ёзилган:

Зо-ҳи-д (се-нга ҳур ма(нга жо-но-на) керак

- - у(у— у) у— у) у —

**Султонмурод ОЛИМ.**

(Давоми бор)

# УЛАР ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ СПОРТЧИЛАР

**«Фалончи спортга роса мукасидан кетибди-я», дейилса, сира ажабланиш керак эмас. Ахир ҳавас қилиш, талпиниш айбмиди? Қолаверса, кучлилик ёхуд ҳаққонлик буюк қудратдан, юксак нуфуздан бир нишонадир.**

**Мана яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ спортчиларимиз АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтадиган XXYI ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш учун йўл олишди. Уларнинг 17 нафари халқ таълими тизимига қарашли спорт муассасалари вакиллари эканлиги, айниқса қувонарлидир. Вакилларимиз спортнинг бокс, дзюдо, юнон-рум кураши, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, оғир атлетика каби турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя этишади. Келажак ре-жамизда сизларни бу спорт усталари билан таништириш ниятимиз бор. Гап бунда ҳам эмас. Энг асосийси шуки, бу даражадаги кўрсаткич халқ таълими тизимида ҳам халқаро спортга ўзига хос эътибор қаратилаётганининг кичик исботи бўлса, ажаб эмас.**

**Мухбиримиз.**

**Суратда: бир гуруҳ олимпиадага отланаётган спортчилар.**

*Ҳулласи...*

### ТИЛЛА КОКИЛ ТЎЛҒАНАДИ

Днепропетровск мактабларидан бирида Н.Гоголнинг «Тарас Бульба» асарини саҳналаштиришди. Томоша бошланишидан бир соат олдин кимдир бош роль ижрочисининг узун, казакона қамчисини ўғирлаб кетибди. Унинг ўрнига бошқа қамчи топилавермагач, ёш актёрлар томошани қолдиришмоқчи бўлиб туришганида юқори синфда ўқиётган қизлардан бири уларнинг жонига оро кирди. Товонига тушиб турган сочини шартта кесди-да, ёш Тарас Бульбага тутқазди.

### МУҲИМИ СОЛИҚ ОЛИНМАГАН

Мавлоно Муқимий арз қиладики:

*Бўлса киройи тушсанг*
*пуржиналик каласка,*
*Гарчандки қилурлар*
*гулдор ароба қурсин.*

Ва бундан аравaнинг ҳам ўз тараққиёт йўли борлигини фаҳм этамиз. Масалан, бундан икки асрча олдин Фарангистонда тўрт ғилдиракли аравалар билан бирга уч ғилдиракли аравалардан ҳам фойдаланишган. Уларнинг бирбиридан қай жиҳатлари билан устунлигини билмадигу бироқ уч ғилдиракли аравалардан давлат солиғи олинмаган.

### ГЎЗАЛЛИКНИНГ ШАРТЛАРИ БОР

Американинг оммабоп журналларидан ҳисобланмиш «Пипл» дунёдаги энг гўзал эркак ва аёлларнинг сувратини бериб боради. Бу йил жаҳоннинг латиф ҳилқати дея Мишель Пфайфер ва Мэла Гибсон тан олинди. Улар «Оскар» мукофоти соҳиблари, машҳур эстрада ва кино юлдузлари томонидан тузилган 50 та шартнинг барчасига тўла мос келишди.

### БЎЙИ БЎЙИГА ЕТМАДИ

Хитойнинг Хунан музофотида яшовчи Ма Гунвэну яқинда 30 ёшга киради. Бироқ, унинг бўйи ҳануз ўсишдан тўхтаган эмас. Ҳозир у 232 сантиметрга бўйлашиб қолди. Унинг иштаҳаси ҳам чакки эмас: бир кунда уч кило гуруч, шунга яраша гўшт, балиқ, сабзавотлар истеъмол қилади. Тибшунослар Гунвэнунинг соғлиги рисоладагидай, дейишмоқда. Фақат уларни бўйи ўсишдан қачон тўхташлиги ўйлантириб турибди.

### ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Ўтган йили бразилиялик Жозе Кармуш Делфинуни уйидан бутун бошли ўт ўчирувчилар командаси кўтариб чиқишган эди. Чунки, у 370 кг тош босарди.

Шундан кейинги воқеаларга ишонмасангиз ҳам керак. Кунига 5 соатлик тинимсиз жисмоний машқлар ва қатъий парҳез натижасида унинг вазни 90 кг.га тушиб қолди. Жозенинг нияти яна 20 кг.га озиш.

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

# ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

**Юнусобод туманидаги 519-«Ниҳол» болалар боғчасидан репортаж**

«Ниҳол» болалар боғчаси ҳовлисига кирар эканман, бу ерда тарбияланаётган болаларга ҳавасим келди. Уйнинг ҳолати остонасидан маълум бўлади, дейдилар. Боғча ҳовлиси ораста ва саранжом, спорт ва ўйин майдончалари, ҳордиқ жойлари — ҳамма-ҳаммаси расамади билан жойлашган. Бири-биридан ажойиб ўйин жиҳозлари, турли панноларни шаҳар марказидаги унча-мунча боғчаларда ҳам кўрмаган эдим. Ташқаридан келган одам бу ернинг соя-салқинлигидан, ҳавоси тозалигидан мамнун бўлади. Шу ерда бир зум ўтириб дам олгингиз, болаликнинг ширин хотираларига берилгингиз келади.

Қаерга қараманг кўм-кўк майса, дарахт, гул. Ҳатто айвон четига махсус нов ўрнатиб, ичига кашнич, укроп, ўсма кабилар экилибди.

Салқин майдончада бир гуруҳ болалар турли ўйинлар билан машғул, қизчалар эса эринмай уларнинг қошларига ўсма қўяётган боғча опалари қаршисида маҳлиё. Рупарада чиройлигина жувон қандайдир шиорни ҳафсала билан ёзмоқда. Менинг яқинлашганимни ҳам сезмайди. «Соғлом танда соғ ақл» деб ўқирканман, «ҳорманг, нима ҳаракат!» — дея унинг фикрини бўлдим. Аёл мени оналардан бири деб ўйлади шекилли «мусобақага тайёргарлик», — дея илиқ қўришди. Бу гапни эшитиб, боғча ва ундаги тарбиявий ишлар билан танишиш истаги туғилди. — Боғчага ишга келганимга тўрт йилдан ошди, — дейди мудира Холида Азизова, — ишни «экспериментал оилавий боғча» деган гапни йўқ қилиб, болаларнинг ёшларига қараб, гуруҳга бўлиш усулидан бошладим. Чунки «оилавий боғчада бир оила, ака, ука, қариндош-уруғларнинг болалари битта гуруҳ қилиниб, бир ярим ёшдан етти ёшгача бўлган болалар бирга тарбияланар экан. Кузатиб турсам, каттароқлари пластилиндан ўйинчоқ ясаса, кичиклари уни оғзига солиш билан банд. Ота-оналар ҳам «Болам бечора ўйда укасига қарагани етмай, боғчада ҳам укаси билан овора бўладими, алоҳида гуруҳларга бўлсанглар бўлмайдими», деб келишди. Хуллас, иш бошладик. Ҳозир боғчамизда 13 та гуруҳ бўлиб, унда 240 бола тарбияланмоқда. Шундан учтасида 1,5 ёшли ясли болалари бор.

Боғчамизни ҳозирги даражага келтиришда бизга туманимиздаги «Машъал», «Бодомзор», «Чинор» илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси, нефть маҳсулотлари вилоят базаси, «Зафар», «Тюна» каби кичик корхона ва фирмаларнинг бошлиқлари — ҳомийларимиз яқиндан ёрдам бердилар. Уларнинг қўмаклари билан биноларимиз тўблан таъмирланди, десам янглишмайман. Барака топишсин, улар бизга қурилиш материалларидан тортиб ўйинчоқ, мебель ва кўрпа-ёстиқ жилдлари учун оқ сурпгача олишга кўмаклашдилар. Меҳнатнинг бир қисмини аҳли жамоамиз ўз кучи билан бажарди. Тарбиячи ва энагаларимиз 30 минг сўмлик оқ сурпдан болалар учун кўрпа-ёстиқ жилдларини ўзлари тикдилар. Ўйин хонамизда қурганингиз — ял-ял ёниб турган сўзанаю, ойпалакларни ҳам боғча опалар ўз қўллари билан яратишган.Тарбия масканимизда бичиш-тикиш, тўқиш, каштачилик, инглиз, ўзбек (рус гуруҳи учун) тили тўгараклари ишлайди. Уларга Қ. Акбарова, З. Пўлатова, Л. Штанова, З. Ғаффоровалар раҳбарлик қилмоқдалар. Инглиз тили тўгарагимизга ҳозир 63 нафар бола жалб қилинган. Шулардан 33 нафари бу йил мактабга чиқади, қолганлари эса 5 ёшда.

Ҳовлидаги ҳовузча атрофига тошчалардан терилган йўлакнинг сабабини сўрадим. Кулар қизигач, ҳовузчамизга илиқ сув тўлдириб, тез-тез янгилаб турамиз. Кичкинтойлар навбати билан чўмилишади, чўмилишдан олдин ана шу йўлакчаларни яланг оёқ иккиуч марта айланишади. Шундай қилсак, болалардаги ясси оёқликнинг олдини оламиз, — жавоб берди Холидахон. — Энг яхши тарбиячиларимиздан Ш. Д. Усенова, Қ. Акбарова, М. Раҳимова кабилар болаларни тарбиялашда жонбозлик кўрсатиб келишмоқда. Мусиқа раҳбаримиз Ю. Василевских, Ф. Темировалар эса халқ қўшиқларини болаларга мослаштириб, ижро этиш йўлларини ўргатмоқдалар. Бундан ташқари, услубчимиз Маҳбубахон Тошматова бошчилигида тарбиячиларимиз болаларни эстетик тарбиялаш мақсадида Амир Темур бобомиз номидаги ҳиёбонга, табиат, тарих, амалий санъат музейларига олиб боришади, вақти-вақти билан цирк артистларини таклиф қиламиз. Шу билан бирга ўзимизнинг қўғирчоқ театримиз, концерт гуруҳимиз ҳам бор. Бу гуруҳлар кичкинтойларга томоша ва концертлар намойиш этадилар.

Болаларни лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси билан таништиришни ҳам бошлаганмиз. Уларнинг билимлари мактабга чиқишларидан олдин тест синовида баҳоланади. Режаларимиз катта, мақсадимиз — болаларимиз том маънодаги маънан ва жисман соғлом авлод бўлишсин, — деб сўзини яқунлади мудира.

Боғча ҳовлисидан чиқар эканман, унда шодон қийқириб ўйнаётган болаларни кўриб, мен ҳам беихтиёр «ҳавасим келади сенга, болажон», дедим.

**Шаҳзодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

*Биласизми?*

## ТУРЛИ ЖОНЗОТЛАР ҲАҚИДА

### КАЛТАКЕСАК

Калтакесак урмаловчи жонзотлардан. У қирқ кунда бир марта бўшанади (бавл қилади). Бу жонзот қуруқ жойда яшашни ёқтиради ва асосан ҳашаротларни танаввул қилиб кун кечиради. Калтакесак овқат тополмаса, ҳатто ўз боласини ҳам ейди. Шунинг учун уни энг нодон (аҳмоқ) жонзот дейишади. Чунки барча ҳайвон ва қушлар ўз боласига меҳрли-да!

### ҚИСҚИЧБАҚА

Бу маҳлуқнинг номи арабчада саратон ва ақраб ҳам деб аталур. Юриши тез, 8 оёғи бор. Оёғида тирноғи ҳам бор. Кўзлари бўйнида, оғзи қуқсидадир.

Қисқичбақа бир йилда 6 марта терисини ташлайди. Териси тошлоқ жойларда тошдек қотиб қолади. Табиблар қисқичбақа пўстини майдалаб, сурма тариқасида кўзи ожиз кишиларга берадилар. Бу сурма дори ожиз кўзларни равшанлаштиради.

Қисқичбақа терисида ғалати шифобахш модда бор. Агар бу моддани уқ теккан ярага боғланса, тез тузатади. Қисқичбақанинг гўштини сил касалига табиблар даво деганлар.

Хулоса шулки, Оллоҳ барча маҳлуқотларни, меваларни, доривор ўтларни бекорга яратмаган. Инсонларга даво — шифо учун яратган. Шу боис бу маҳлуқларни, ўт-ўланларни оёқости қилмай, уларни кўз қорачиғидек сақлашимиз керак.

### ТОШБАҚА

Бу маҳлуқ қуруқ зоналарда яшайди. Тошбақа эр-хотун мулоқот бўлмоқчи бўлганда модаси қочиб, тутқич бермас. Шунда эркаги ўтларни оралаб, энг ширин ўтни тумшуғида тишлаб, модасига совға қилур. Шундан сўнг модаси «кўев»нинг совғасига муносиб жавоб бериб, уни дилхушлик билан қутиб олади.

Модаси 1-2 та тухум қўйиб, уни қум орасига солиб, устига озроқ қум сепиб қўяди. У қушлар каби тухумини бағрига босмайди, икки кўзи билан тухумга назар ташлаб қараб турур. Бу ҳолат тухумдан жўжа чиққунча давом этур ва тошбақанинг икки кўзидан борган нур иссиғи билан тухумга жон кирур. Кўзининг нури ила жўжага Оллоҳ жон бағишлайди.

### ИЛОН ВА ТОШБАҚА

Илон билан тошбақа орасида душманлик бор. Тошбақа илонни кўрди дегунча орқасидан қувлаб думидан тишласа бас, илон ундан қутулиш учун ўзини ҳар ёнга уради.

Илон ҳар қанча урониб ўз заҳарини отса ҳам заҳар тошбақанинг пўстидан ўтмайди. Тошбақа илонни думидан аста-секин ялаб-ялаб, ўлдиради. Кураш 1-2 кун давом этса ҳам тошбақа ғалаба қозонади. Илон ўлганидан сўнг тошбақа ўлжанинг қолган бўлагини ўз модасига олиб келиб едирадиган.

Соҳиб Котоб Ғазнавий шундай деган экан. Бир вилоятда совуқ узоқ чўзилса ва деҳқонларга зарар берса, одамлар чўл тошбақасини тутиб олиб келиб, чалқанчасига ётқизиб қўйишади. Ривоят қилишларича, шу вилоятда совуқ тез кетиб, ўша ердаги меваорлар совуқдан халос бўлар эмиш.

## ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДА

### МУШУК

Бу ҳайвон турқча қади, арабчада ҳурайра деб аталади. Мушук бошқа ҳайвонларга нисбатан озодадир. У ўз нажосатини четроқ жойга бориб, тупроққа кўмиб келур.

Мушук бор ҳонадонда сичқон-каламуш бўлмайди. Бор бўлса, мушукка емак бўлур.

Мушук ўз эгасига бўйсунувчан бўлади. Бу ҳайвон бор ҳовлида гилос, олча дарахтларининг меваларини қушлар келиб сеймайди. Чунки қушлар дарахтга келиши биланоқ мушук дарахт тепасига чиқиб, қушларга ҳужум қилади. Шунинг учун ҳам мушукли ҳовлидаги мевалар тоза пишади.

Мушук ўз эгаси берган овқатга қаноат қилур. У бошқа ҳайвонлар каби оч қолғонида маграб букирмайди. Қорни очса, эгасининг ёнига келади ва ялиниб-ялтоқланиб суркалади.

Ўрғочи мушук йилига икки марта 4-6 тагача бола туғади.

Табиблар жазом (тутқаноқ) касалига учраган кишига мушук қонидан ичиришни тавсия этганлар.

### ҲИКОЯТ: ФИЛ ВА МУШУК

Қадим замонда Ажамлар (Ҳинд) бирорта мамлакатга ҳужум қилса, уларга ғалаба келтирадиган куч бу фил бўлар экан. Бошқа мамлакатлар аскарлари филдан қўрқиб, қочар экан. Ажамлар арабларга ҳужум қилиш мақсадида Арабистонга келадилар. Араблар орасида бир тадбиркор кимса бир катта мушук олиб келиб, филнинг думшуғига қўйибди. Ана шунда барча фил-лар мушукдан қўрқиб, орқага қочибди. Ушал урушда ажамлар мағлубиятга учраган эканлар.

### ЙЎЛБАРС

Йўлбарс барча ҳайвонларнинг подшоси деган нақл бор. Йўлбарс бошқа ҳайвонлардан кўра (нисбатан) очликка чидамлидир. Агар у оч бўлса ҳам чиябўри, ит каби ҳайвонлардан қолдиқ-сарқит гўштларни емайди.

Арслонда подшоҳлик табиати аёндир.

### БЎРИ

Бўрини овчилар отда қувлаб, унинг думшуғига урса бас, ўша заҳоти бўри йиқилиб, ҳалок бўлар. Бўрини орқа белига 10 та тақ урилса ҳам таъсир қилмас. Чунки барча ҳайвонлар орасида бўрининг бели бақувватдир. Бўри ҳам йўлбарсга ўхшаб очликка чидамлидир. У инида қанча оч қолса ҳам об-ҳаво мулойим кунларда очиқ ҳавога чиқиб, оғзини очиб, нафас олиши билан қорни тўйиб қолгандек бўлар экан. Шуниси қизиққки, бўри ухлаганида бир кўзини юмиб, иккинчисини очиб ётар экан.

Бўри бошқа ҳайвонлар каби увиллайди. Аммо қўлга тушганда ҳар қанча урса ҳам, ҳатто пичоқ урса ҳам увилламайдур. Бўри жуда оч қолсаги-на увиллар экан. Унинг овозини эшитган бошқа бўрилар бирор катта ўлжа бор шекилли деб оч бўри атрофига тўпланишаркан. Бу ерда ҳеч нарса йўқ экан деб бирорта бўри кетмоқчи бўлса, бирдан ҳалиги оч бўри қочиб кетаётган бўрига ҳамла қилиб, уни пора-пора қиларкан. Сўнгра улаксани оч бўрилар талонторож қилар эканлар.

Овчи бўрини овлаш учун унинг ини оғзига гўшт ташлар экан. Шунда бўри бирор ўлжа келди деб гумон қилиб, инидан чиқиши билан овчи унинг думшуғига таёқ билан уриб, қўлга олар экан.

Табибларнинг айтишича, бўрининг қони ёғига аралаштирилиб кар қулоққа томизилса, қулоқ очилур. Унинг мияси зайтун ёғига қорилиб, баданга суркалса, совуқ қотган бадан жонланур.

### ҲИКОЯТ: БЎРИ ОЛИБ ҚОЧГАН БОЛА

Довуд пайғамбар ҳам подшо бўлганлар. Ўша даврда иккита қўшни аёлнинг биттадан икки ёшли болалари бўлган экан. Бу болалар бирбирига жуда ўхшар экан. Шу болалар қир-адирда ўйнаб юрганларида бўри уларнинг бирини олиб қочиб кетади. Ҳар икки қўшни аёл бўри сени болангни олиб қочди, омон қолган бола меники, деб ўзаро даъво қилиб, Довуд пайғамбар ҳузурига боришади. Ҳар икки онани кўзида ёш. Аммо катта аёл дод-фарёд қилиб йиғлаётганини кўриб подшо болани унга беришга ҳукм қилади.

Хотинлар подшоҳ ёнига кириб чиққанларини кўрган шаҳзода Сулаймон (у ҳам ота, сўнг подшоҳ ва пайғамбар бўлган) ҳукм нотўғри деб шубҳаланди. Шунда кичик хотин йиғлаб, 12 ёшли Сулаймонга сўз қилиб, «Отангиз тўғри ҳукм қилмадилар» деди.

Сулаймон бир оз ўйланиб турди-да: «Тўхтанглар! Бўлмаса мен арэларни кўриб чиқаман. Ҳозир ичкаридан бир катта пичоқ олиб чиқиб, болани сўйиб, иккига бўлиб, ҳар бирингизга бир бўлагини бераман», деди. Шунда ҳалигина Довуд подшо ҳукмидан норози бўлган кичик хотин кўзидан оққан ёшларини артиб: «Эй, Сулаймон, болани сўйманг, ўшал хотинга беришга ҳукм қила қолинг», деб ялинди.

Сулаймон бу тадбири билан гўдак кичик хотинга тегишли эканлигини аниқлаб олди ва болани кичик хотинга беришга ҳукм қилди.

**Абдуфаттоҳ ҲОЖИ НАБИХЎЖА ўғлининг эркин таржималари.**

## ҲАР ЖОНЗОТНИНГ ЎЗ ҚИЛИҒИ БОР

**(Муҳаммад Камолиддин Абдибоқийнинг «Ҳаётул ҳайвон» китобидан)**

Давоми. Боши газетамизнинг 19 июнь сонида.

*Спорт*

## ЯНГИ ЎЙИНГОҲДА ХОТИРА ТУРНИРИ

*Чортоқ туманидаги А.Икромов номли 18-ўрта мактабда қўшалоқ байрам нишонланди. Мактаб ўқувчилари учун футбол ўйингоҳи ажратиб берилди. Мактабда мазкур ўйингоҳнинг очилиш маросими, сўнгра билим масканининг собиқ директори Нурхон Солиев хотирасига бағишлаб «Хотира турнири» ўтказилди.*

*Турнирда мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчиларидан иборат команда ҳамда турли ташкилотлардан ўнлаб командалар ўзаро куч синашди. Турнир яқунига кўра мактаб ўқитувчилар командаси биринчи ўринни олди.*

**А.НУЪМОНОВ.**

*Оила ва одоб*

# ОНАЛАР МАЪНАВИЯТИ — ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Дунёда она меҳридек бебаҳо неъматнинг ўзи йўқ. Ёшлигимизда акам ёки опам кеч қолса, онам дам-бадам кўчага чиқиб келаверардилар. Мен «Мунча хавотир олаверасиз? Ҳозир келиб қолар», десам, онам: «О, болам-а ҳали боласан, билмайсан. Она бўлганингда бир кун биласан», деб қофиядор гап қилардилар.

Ростданам, ўзим она бўлгач, оналар бағри қанчалик кенг, меҳри қанчалик чексиз, бардоши нақадар чўнг эканлигига иқрор бўлдим.

Онам бир этак боланинг инжиқликларини кўтарардилар, биз ёш аёллар эса икки-уч фарзандимизнинг хархашасидан гоҳида безор бўламиз. Шу сабабданмикан кўпинча ўзимни онамга солиштириб кўраман. Барибир у кишининг аёллик фазилатлари устун келади.

Аҳён-аҳёнда бирор опам турмушидан нолиб қолса, онам: «Болам, ширин тил ҳам бир бахт, тушган хонадонингда келинлик хизматинг билан хушмуомалангни аяма. Ҳаёт доим силлиқлик билан кетавермайди. Дадангни кўргансан-ку, уй сал тўзиса, фиғони ошарди. Ҳамма эркак ҳам саришталикни, озодаликни хушлайди-да», — деб унинг кўлига майда-чуйда тутиб бериб, тезда уйига қайтариб юборардилар. Ҳамма қудаларини яхши муомала, иззат-икром билан кутиб олиб, кузатардилар. Эҳтимол, ўғил-қизларидан тинчиганларининг асл боиси шундандир.

Остонамни ичкарисини ўзим биламан, деган гап бор. Тўғри, ҳар ким уйидан ўтганини ўзи билади. Агар маҳалламиздаги аёллардан бирортаси турмуш ўртоғидан нолиб кўз ёши қилса, онам:

*Бир яхшига бир ёмон,*
*Ҳар қайда бор ёр-ёр.*
*Икки яхши бир бўлса,*
*Кун қайда бор, ёр-ёр, —*

деб шеър ўқир, сўнгра «Этагингизни тутиб турган мана бу қора кўзларни тирик етим қилманг, болажоним» — деб ҳар хил ҳазил лапарлардан айтиб берар, пировардида, ҳалиги аёлни кулдириб, кунглидаги изтиробини чиқариб юборардилар. Кейин сочиққа нон, узум ўраб бериб кузатиб қўярдилар.

Онажонларимизнинг ҳаммаси болажон, қўллари очиқ бўлади. Менинг онам ҳам кўчада бирор аёл боласини силталаб, уришиб олиб кетаётганини кўрсалар болага ачиниб кетардилар. Кейин ҳалиги аёлга: «Болага зарда қилманг, қизим, бундан баттар қайсар бўлиб қолади», деб насиҳат қилардилар. Кейин чўнтакларидан қуртми, туршакми олиб йиғлаётган болага узатардилар ва зум ўтмай уни овутардилар. Мен ёш гўдакка юмшоқлик билан муомала қилишни, уни йиғлатмаслик сирларини онажонимдан ўрганганман.

Онажоним бола тарбиясига ҳам жуда одилона қарардилар. Даргоҳларига келган одамни кўнглини олишга ҳаракат қилардилар. Бир оддий мисол келтираман. Ўкаларим ёшлигида биров уларнинг шўхлигидан шикоят қилиб кирса, онам ҳеч қачон тарафкашлик қилмасдилар. «Майли, узингиз қойиб қўяверинг, кўшни, бола бир пошшо. Мен уйдаман, болам кўчада нима қилаётганини билмайман. Бир болага етти қўшни ота-она бўлади. Койишга ҳақкингиз бор», дердилар.

Ҳозирги кўплаб ёш оналаримизда эса бунинг акси кўринади. Улар бировни ранжитган боласига танбеҳ бериш ўрнида, уйига нолиб кирган одам билан жанжаллашиб кетишади. Боласига ҳам, ўзларига ҳам чанг юқтирмасликка интиладилар. Айниқса, мактаб муаллимларининг танбеҳини тан олгилари келмайди. Ҳолбуки, уйига кирган одамга аввал уйлаб, мушоҳада юритиб, муомала қилишни ёш оналар катта ҳаёт сабоғини ўтаган онажонларимиздан ўрганишса, уларнинг ўгитларига қулоқ тутишса, фойдадан холи бўлмасди.

Мавриди келиб қолгани учун қайнонамлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчиман. Қайнонамнинг ҳам мақтаса арзигулик фазилатлари кўп. Менга маъқул кўринадиган томонларидан бири, у киши мабодо қўшнилардан бири рўзғорга керакли майда-чуйда сўраб кирса, «Ҳеч вақт йўқ демасдан, дарров бериб юборинг», дейдилар. Қўшнини ранжитмасликни кўп уқтирадилар. «Нарса сўраганнинг бир юзи қора бўлса, бор нарсани бермаганнинг икки юзи қора», деб насиҳат қиладилар.

Шундай экан, маънавиятли бўлишни — аввало оналаримиздан ўрганайлик. Мана шундай имони бутун, басаломат оналар бағрида тарбия топган бизнинг фарзандларимиз юртини, халқини севадиган, оиласига меҳрибон, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишларига менинг шубҳам йўқ. Шундай оналаримиз илоҳим омон бўлишсин!

**Матлуба САИДАЗИМОВА, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ходими.**

*ана шунақа гаплар.*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси жамоаси Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — давлат таълим стандартлари бўйича вилоят инспекциясининг бошлиғи З. К. Сатторовга онаси**

**Маъмура ая КАРИМОВА вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.**

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Асқар ШОКИРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456